ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 147 (8.731) ◆ 1995 йил 20 декабрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

ТАРАҚҚИЁТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Бундан атиги бир йил муқаддам Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари ўртасида ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш мақсадида иқтисодий интеграция механизми ташкил этилган эди. 1994 йил июль ойида Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида уч республиканинг Давлатлараро Кенгаши ҳамда Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банкига асос солинди. Бугун қадим Турон ўлкасидаги қардош халқларнинг хоҳиш-иродаси, муштарак мақсадлари, бир-бирига бўлган табиий интилиши ва яқинлик ҳисси мазкур механизмнинг ишга тушиб кетишига кўмаклашибгина қолмай, унга куч-қувват ҳам бағишламоқда. Қисқа муддат ичида мавжуд сунъий тўсиқларни енгиб ўтиш, асрлар давомида бир-бири билан узвий боғланган, лекин сўнгги йилларда узилиб қолган иқтисодий ва хўжалик алоқаларини тўла тиклаш осон кечмайди, албатта. Шундай бўлса-да, ягона иқтисодий маконга аъзо ҳар бир республикада иқтисодий ўтиш даврининг маълум қийинчиликлари бошдан кечирилаётганига қарамай, интеграция жараёнини тезлаштиришга амалий интилиш кун сайин кучайиб бормоқда.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари давлатлараро Кенгашининг қўшни Қозоғистоннинг Жамбул шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси ана шундан далолат берди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев 15 декабрь куни шу ерда учрашди.

Президентлар мажлисда 2000 йилгача бўлган иқтисодий интеграция ва биринчи навбатда сармоя сарфланиши лозим бўлган лойиҳалар дастурларини ҳаётга жорий этиш масалаларини муҳокама этдилар.

Бугун иқтисодий интеграция дастурида кўзда тутилган элликка яқин лойиҳа устида ишланмоқда. Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ушбу лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этиш учун кўплаб халқаро молиявий ташкилотлар, хусусан, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик қилмоқда. У аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш мақсадида мамлакатимиздаги «Фармсаноат» концерни билан шартнома тузган. Худди шунингдек, Қозоғистонда тоғ-кон саноати, Қирғизистонда электр двигателлари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар Марказий Осиё банки томонидан маблағ билан таъминланмоқда.

Шунга қарамай, музокараларда иқтисодий интеграция дастурини амалга ошириш ва ҳаётий зарур лойиҳаларни амалга оширишда барча имкониятлардан тўла фойдаланилмаётгани, бунинг учун ягона иқтисодий маконга аъзо мамлакатларнинг вазирликлари, муассасалари ва саноат ташкилотлари фаоллигини ошириш лозимлиги таъкидланди.

— Иқтисодий бирикиш жараёнини коммуникациясиз тасаввур қилиб бўлмайди, — деди Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов. — Республикаларимиз ўртасидаги барча иқтисодий ва хўжалик алоқаларини янада равнақ топтириш учун биринчи навбатда янги темир йўл, ҳаво ва автомобил йўллари барпо этиш борасидаги лойиҳаларни амалга ошириш керак.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари дастурда хорижий фирмалар эътиборини жалб этадиган, қизиқишини орттирадиган лойиҳалар камлигини, унда аввал бошданоқ хусусий сармоядорларнинг кенг иштироки кўзда тутилмаганини қайд этди. Шу боис Президент Ислом Каримов Тошкент, Бишкек ва Алмати шаҳарларида хорижий ва хусусий сармоядорларни иқтисодий интеграция дастурида кўзда тутилган лойиҳаларга кенг жалб этишга хизмат қиладиган турли кўргазмалар ўтказишни таклиф қилди. Бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланаётган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий бирикиш жараёнида, дарҳақиқат, хусусий тадбиркорлар иштироки жуда муҳимдир. Шу сабаб, мазкур таклифни Президентлар А. Акаев ва Н. Назарбоев якдиллик билан қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банки фаолиятини янада жонлантириш борасида ҳам муҳим таклиф киритди. Маълумки, ҳар бир республика ўз сармоя дастурига эга. Мазкур дастурдаги энг «жозибадор» лойиҳалар танлаб олиниб, Марказий Осиё банки билан ҳамкорликда амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди, деди Президент Ислом Каримов.

Учрашувда иқтисодий интеграция жараёнини тезлаштириш мақсадида унинг навбатдаги зарур тузилмаларини, хусусан, Марказий Осиё ҳукумати — Бош вазирлар кенгаши, келгусида эса, Марказий Осиё парламентини ташкил этиш, ягона иқтисодий маконга аъзо давлатларнинг молия ва божхона қонунчилигини ўзаро мувофиқлаштириш борасида фикрлашиб олинди.

Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Унда давлатлараро кенгашнинг 2000 йилгача бўлган иқтисодий интеграция ва биринчи навбатда сармоя сарфланиши лозим бўлган лойиҳалар дастурлари бўйича ҳамда мазкур республикалар Мудофаа вазирлари кенгаши низомини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлари имзоланди. Шунингдек, БМТ раҳнамолигида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикаларининг тинчликни сақлаш коллектив батальонини ташкил қилиш ва шакллантириш ҳақидаги ҳужжатга имзо қўйилди. Шу муносабат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Ғолийга мурожаатнома қабул қилинди. Ҳужжатларга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев имзо чекди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари Президентлари И. Каримов, Н. Назарбоев, А. Акаев журналистлар билан учрашдилар. Унда муҳокама этилган масалалар, имзоланган ҳужжатлар Марказий Осиёда ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш, халқларимиз ҳамжиҳатлиги, тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлидаги эзгу мақсадларни амалга оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

— Бугунги учрашувлар, музокаралар Марказий Осиёдаги уч республика тараққиёти тарихида муҳим воқеа бўлиб қолиши шубҳасиз, — деди Президент Ислом Каримов. — Бу ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш борасидаги ҳаракатларимизнинг амалий тус ола бошлагани ва тез орада ўз маҳсулини беришини кўрсатади.

Дарҳақиқат, ушбу уч республика ўртасидаги ягона иқтисодий макон хаёлий орзу эмас. У оддий инсонлар узоқ вақтдан бери самарасини кутаётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидан ҳам фарқ қилади. Марказий Осиё Давлатлараро кенгашининг қўшма лойиҳаларга эга эканиёқ бу фикримизнинг исботидир. Қолаверса, Президентларнинг журналистлар саволларига жавобларидан ҳам халқларимизни тараққиётга элтувчи йўлдан собит боришга аҳд қилинганини уқиш мумкин. Шу ўринда, баъзи мамлакатлар оммавий ахборот воситалари Марказий Осиё республикаларидан айримлари минтақада етакчилик мавқеи учун курашаётгани тўғрисидаги турли фитна гаплар тарқатаётганини эслаш жоиз.

«Албатта, қон-қардош, маънавияти, урф-одати бир халқларимизнинг дўстлиги, ҳамжиҳатлигини кўрол-майдиганлар шу хил иғволардан манфаатдор экани ҳаммага маълум. Бунинг учун тарихга назар ташлашнинг ўзи кифоя», деди Ислом Каримов. Президентлар шу қабилдаги иғвогарона гаплар халқларимиз ўртасидаги бирликка ва республикаларимизнинг иқтисодий бирикуви йўлида бошланган хайрли ишларга тўсқинлик қила олмаслигини таъкидладилар.

Яқин йилларда 2000 йиллигини нишонлаш арафасида турган кўҳна Тараз — ҳозирги Жамбул шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари Президентлари Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев ва Асқар Акаев туркий халқларнинг жасур ўғлони Турор Рисқулов хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ҳайкалининг тантанали очилиш маросимида қатнашдилар. Т. Рисқулов умр бўйи Туркистон халқлари озодлиги ва бирлиги йўлида курашган эди.

Бугун ушбу кўҳна замин халқлари ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда истиқболли келажак сари одимламоқда. Зеро, қўшни ва қардош мамлакатларимизнинг ўтмиши бир эди, келажаги ҳам бир. Юксак тараққиёт йўлидаги мақсадлари-да бир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни Жамбулдан Тошкентга қайтиб келди.

Сафар давомида мамлакатимиз раҳбарига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Қ. Ҳаққулов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Муҳаммад ШАРИФ. (ЎзА махсус мухбири).
Тошкент — Жамбул — Тошкент.

СУРАТДА: музокаралар пайти.
Р. Нуриддинов тасвирга олган.

ЮКСАК МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1995 йил 19 декабрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ташкилотлари ҳамда корхоналари ходимларидан бир гуруҳи кўп йиллик ҳалол меҳнати, республиканинг энергетика тармоғини ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат турмушида фаол қатнашаётганликлари учун «Шуҳрат» медали, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвонлари, Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғига сазовор бўлдилар. Шу жумладан, Тошкент шаҳридан:

Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазирининг биринчи ўринбосари Геннадий Михайлович ТОЛМАЧЕВГА «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» Фахрий унвони берилди.

8-монтаж бошқармасининг устаси Қобил Содиқович АЗИМОВ;

Тошкент ГРЭСи бош муҳандисининг ўринбосари Юрий Игнатьевич ЕРОХИН;

Техника бошқармасининг бошлиғи Муҳаббат УСМОНОВА;

Тошкент ГЭСлари тизмаси Шайхонтоҳур ГЭСининг 21-ГЭС бошлиғи Шокир Йўлдошевич ЙЎЛДОШЕВ

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотландилар.

БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 декабрь куни мамлакатимиз ҳақида мақола тайёрлаш учун юртимизда меҳмон бўлиб турган Американинг «Институшнел инвестор» журнали журналистлари Мишель Луис Эрл ва Бен Айресни уларнинг илтимосларига биноан қабул қилди.

❑ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар, Қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги, Бюджет, банк ва молия масалалари, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари, Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш, Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари, Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари, Матбуот ва ахборот, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмиталарининг мажлислари бўлиб ўтди.

❑ Навоий вилоятида Москва шаҳрининг «Новатор» банки ҳамда «Славия» фирмаси билан ҳамкорликда «Қизилқум» молия-саноат корпорацияси ташкил этилди.

❑ Жиззах шаҳрида «Баҳром» хусусий жарроҳлик клиникаси очилди.

❑ Ўзбекистон Республикаси кинематографчилар уюшмаси ва кинокомпанияси томонидан республикада илк бор олий кинематография курслари ташкил этилди.

❑ Кеча Валюта биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдода 1 АҚШ долларининг қиймати 35 сўм 80 тийин даражасида қайд этилди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Россия Давлат думаси депутатлигига бўлиб ўтган сайловларда сайловчиларнинг қарийб 65 фоизи иштирок этди. Дастлабки маълумотларга қараганда компартия, РЛДП, «Россия — бизнинг уйимиз» жамоатчилик-сиёсий ҳаракати, «Яблоко» жамоатчилик бирлашмаси 5 фоизлик тўсиқни енгиб ўтдилар.

❑ Кеча Москва яқинидаги «Барвиха» санаторийсида Борис Ельцин билан Виктор Черномирдиннинг анъанавий ҳафталик учрашувида Давлат думасига бўлиб ўтган сайловларнинг дастлабки якунлари муҳокама этилди.

❑ Бугун Қирғизистон Президенти Асқар Акаев Москвага бир кунлик амалий ташриф билан келади. Унда Қирғизистоннинг Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари божхона иттифоқига қўшилиши тўғрисидаги шартномани имзолаш кўзда тутилмоқда.

❑ Доку Завгаев Чеченистон Республикасининг бошлиғи этиб сайланди. Сайловларда қатнашган сайловчиларнинг қарийб 95 фоизи унинг номзодини ёқлаб овоз бердилар.

❑ Тожикистон Куролли кучлари ташкил топганлигининг уч йиллигини байрам қилмоқдалар.

❑ Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотларни ривожлантиришнинг 1996 йилги дастурини тасдиқлади.

❑ А. Франчук Украина Олий Кенгаши депутати этиб сайланганлиги муносабати билан Қрим ҳукуматининг бошлиғи лавозимидан озод қилинди.

❑ Кеча эрта тонгда Москвадаги Головачев кўчасидаги 1-уйнинг хонадонларидан бирининг эшиги олдида портлаш рўй берди. Шунинг оқибатида «Редут» тижорат компаниясининг 44 ёшли директори жароҳатланди. Бундан ташқари бир қанча хонадонларнинг эшиклари шикастланди.

ХОРИЖДА

❑ Жанубий Корея парламенти мамлакатнинг янги бош вазири Ли Су Сунни тасдиқлади. Унга янги вазирлар маҳкамаси таркибини тузиш топширилгач, аввалги ҳукумат аъзолари тўла таркибда истеъфога чиқди.

❑ Исроилнинг собиқ Бош вазири И. Рабиннинг қотили И. Амир устидан кеча бошланган суд айбланувчи адвокатларининг илтимосига кўра 23 декабргача кечиктирилди. Амирнинг айблари бўйнига тўла қўйилса, у ўз жиноятига деярли иқрор бўлди, у умр бўйи қамоқ жазосига ҳукм этилади.

❑ Исроилнинг собиқ Бош вазири И. Рабинга суиқасд уюштирилаётган пайтни тасвирга туширган ҳаваскор шу видеокассетани сотувга қўйди ва ўтган душанба куни бунинг учун 400 минг долларга эга бўлди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ОСТИДА

Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар ҳокимлиги назорат инспекцияси қошидаги назорат органларининг фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича идоралараро кенгашнинг бўлиб ўтган мажлисида мактабларда ва мактабгача болалар муассасаларида овқатланишни уюштириш бўйича ўтказилган текширув якунлари қараб чиқилди.

Кенгаш мажлисида шу нарса таъкидландики, текширув чоғида ошхоналарни сут маҳсулотлари, сабзавот ва мевалар билан етарли даражада таъминламаслик фактлари аниқланди ва бу нарса айрим мактаблар овқатланиш комбинатлари, мактаблар ва болалар боғчалари раҳбарларининг масъулиятсизлиги, туман халқ таълими бўлимлари томонидан етарли равишда назорат йўқлигининг натижасидир.

Жумладан Акмал Икромов туманидаги 197-мактабда сентябрь—ноябрь ойларида бир килограмм ҳам картошка олинмаган. Бу ерда текширув ўтказилган пайтда сут маҳсулотлари бўлмаган.

Сергели туманидаги 3-мактаб омборида фақатгина ун, чой ва печенье мавжуд бўлган.

Текширув ўтказилган кўпгина озиқ-овқат жойлари тозаликка бутунлай зид даражадаги ҳолатда бўлиб, технологик жиҳозларнинг анчагина қисми ишламаяпти.

Шаҳарнинг бир ҳатор туманларида қандолат маҳсулотларининг нархи оширилганлиги фактлари маълум бўлди, шунингдек харидор ҳақига хиёнат қилиш, маҳсулотларни яшириб қўйиш, тайёр овқатларни меъёридан кам сузиш ҳоллари ҳам аниқланди.

Чилонзор туманидаги 173-мактабда битта пирожнийнинг нархи 1 сўм 60 тийинга оширилган, шу тумандаги 178-мактабда эса истеъмол қилиш муддати ўтиб кетган 460 та пирожний сотувга қўйилганлиги маълум бўлди.

Шайхонтоҳур туманидаги 13-мактабда бир нечта котлет ва иккита коржик, 2 стакан чойни хўрандага сотилаётган пайтда унинг ҳақига 5 сўм 88 тийин хиёнатга йўл қўйилди.

Яккасарой туманидаги 160-мактабда 40 килограмм маргарин, 140 қути болалар овқати, 89 банка гўшт ва балиқ консерваси, булка маҳсулотлари ичига қўшиладиган 50 килограмм масаллиқ беркитиб қўйилганлиги аниқланди.

Тайёрланаётган овқатларнинг тўйимлилиги муаммоси ҳам кескин бўлиб турибди. Овқатларни тайёрлаш технологиясининг бузилиши, уларга мўлжалдаги ҳамма маҳсулотларнинг солинмаслиги оқибатида овқатларнинг тўйимлилиги қарийб 20 фоизга камайиб кетган.

Идоралараро кенгаш «Озиқ-овқат» улгуржи-чакана савдо ҳиссадорлик бирлашмаси ва Халқ таълими бош бошқармаси зиммасига аниқланган камчиликларга барҳам бериш бўйича амалий чора-тадбирларни кўриш, бу ишда айбдор бўлган лавозимли шахсларни қатъий жавобгарликка тортиш, мактаб ўқувчилари ва болалар овқатланишини ташкил этишни яхшилаш вазифасини топширди.

Келгуси йилнинг февраль ойида ана шу масалага қайтиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Мажлисни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, назорат инспекцияси қошидаги идоралараро кенгаш раиси Б. С. Камолов олиб борди.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси 1995 йил 21 декабрь куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 20 декабрь куни соат 9 дан 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессиясига

СЎЗ — ДЕПУТАТЛАРГА

Эртага биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси ўз ишини бошлайди. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу сессияда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, Меҳнат кодекси, давлат мукофотлари тўғрисидаги ва бошқа шу каби жуда муҳим қонунлар лойиҳалари кўриб чиқилади. Биз олий анжуман арафасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари билан сессия кун тартибига қўйилган масалалар моҳияти, унда қабул қилинадиган қонунларнинг ҳаётимизни равнақ эттиришдаги тутадиган ўрни хусусида мулоқотда бўлдик.

ПАРЛАМЕНТ УСЛУБЛАРИ

Анвар ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси:

— Август ойида ўтказилган Олий Мажлиснинг учинчи сессиясида бизнинг қўмитамиз томонидан «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланиб, у депутатлар муҳокамасига тақдим қилинган эди. Лойиҳани депутатлар тасдиқлаганидан кейин биз уни қайтадан яна ўрганиб чуқурлаштиришни давом эттирдик. Эндиликда шу қонун лойиҳасини мана шу сессияга олиб чиқаяпмиз. Буни Ўзбекистон шароитида тадбиркорликка қулай муҳит яратиш борасида қилаётган ишларимиздан бири десак бўлади.

Ушбу қонун лойиҳасининг моҳияти тўғрисида тўхталадиган бўлсак, жаҳон тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолини янги иш жойлари билан таъминлаш, меҳнат самарадорлигини ошириш мақсадида бу ерларда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида урғу берилган. Унга кўра қишлоқда ташкил қилинадиган кичик корхоналар, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадиган тадбиркорлар, юридик шахслар алоҳида давлат ёрдами билан рағбатлантирилади. Уларга алоҳида имтиёзлар белгиланади. Бу қонунга аниқ киритиб қўйилган бўлиб, келгусида қонуннинг давоми бўладиган тадбиркорликни ривожлантирадиган давлат дастурларида ҳам ўз аксини топади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлики, фақатгина қонун лойиҳаси билан банд эмасмиз.

Қўмитамиздаги 26 та депутатнинг ҳаммаси жойларда — вилоят ва туманларда қабул қилинган қонунларнинг ижроси қандай бўляпти, деган масала юзасидан алоҳида текширишлар ўтказишяпти. Бундан ташқари биз шу қўмитада навбатдаги сессиядан ташқари кейинги сессияларга киритилиши мумкин бўлган қонун лойиҳалари устида ҳам иш олиб бораяпмиз. Бунинг учун алоҳида ишчи гуруҳлари ташкил қилиб, уларга мутахассислар, олимларни жалб қилиб, қонун лойиҳалари устида ишлаяпмиз. Шу ерда бир ибора ўринлики, биз кўпроқ профессионал, яъни малакали парламент деб гапирамиз. Малакали парламентнинг иккита услуби бор. Битта услуби унда доимий ишлайдиган депутатлар бўлиши таъминланадиган, иккинчи услуби эса парламент чиқараётган қонунларнинг юқори даражада малакали бўлишини таъминлашдир. Биз ҳозирги пайтда юқори малакали мутахассисларни, ишчи гуруҳларни жалб қилиш билан парламентимизни малакали парламентлар даражасига етказиш борасида иш олиб бораяпмиз.

КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Василий ЖУРАВЛЕВ, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори:

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати сифатида сессия муҳокамасига қўйилажак қонун лойиҳаларини зўр қониқиш ва диққат билан ўрганиб чиқмоқдаман. Албатта, Конституциямиз энг одил демократик талаблар даражасида эканлигини таъкидлаган ҳолда, сессияда кўриб чиқиладиган қонунлар эркинлик, фаолиятимизни янада юксак халқаро тамойиллар даражасига кўтаришга хизмат қилади, деб ўйлайман. Масалан, Меҳнат кодекси, фуқаролик тўғрисидаги қонунларни олайлик. Булар бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидир. Ўтиш даврида меҳнатни ташкил қилиш, ижтимоий ҳимоя, ҳақ тўлаш... қишлоқни, шаҳарнида бирдай ўйлантираётган, энг биринчи галда ечимини кутаётган муаммо бу. Республика Олий Мажлисининг 4-сессиясида ушбу масалалар ҳам батафсил ўрганилади. Бундан ташқари, иқтисодиёт соҳасидаги муаммолар кўпчиликнинг диққат-эътиборидаги масала, деб ҳисоблайман. Ҳозир бирлашмамиз ҳам энг мураккаб даврни бошдан кечирмоқда. Маҳсулотларга талаб бирмунча пасайган, хом ашё таъминоти, молиявий масалалар чигаллашган айни пайтда барча имкониятларни ишга солиб, ҳаракат қиляпмиз. Бунда Президентимиз томонидан изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар дастури бизга асосий таянч, мадад бўлмоқда. Олий Мажлиснинг 4-сессияси муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳалари қабул қилингач, янгича иқтисодий муносабатларга ўтиш, эртанги порлоқ ҳаётни қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга янада кенгроқ имкониятлар очади, деб умид қиламан.

Суҳбатни
Ғофур ЖАМОЛОВ ва
Беҳзод ЭГАМОВ
ёзиб олишди.

Кўча тасодифлари

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ЯХМАЛАК!

Ўлкамизга қиш фасли ҳам кириб келди. Ҳаво ҳарорати тушиб бормоқда, айниқса тунги вақтларда ҳарорат нолдан паст бўлгани сабабли йўллар яхмалак билан қопланаяпти.

Йўлларнинг сирпанчиқлиги албатта йўл-транспорт ҳодисаларига олиб келиши мумкин. Уларнинг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан қиш кунларида кўча ва йўлкаларни қордан тозалаш учун пухта иш режаси тузиб қўйилган.

Ҳозир 16 та қум тўкувчи, 4 та қор ортувчи, 86 та қор курайдиган, 8 та йўлкаларни тозалайдиган машиналар тахт қилиб қўйилган. Кўчаларни ва йўлкаларни қордан тозалаш учун 4 минг тонна қум, 1,7 минг тонна туз, 2,5 минг тонна қум ва туз аралашмаси ғамланди. Шаҳар кўчаларига 50 та хлорли қум контейнерлари ўрнатилди.

Ҳаммага маълумки, Тошкент шаҳри об-ҳавоси тез ўзгарувчан континентал иқлимга жойлашган. Қиш фаслида бир кеча-кундузда об-ҳаво кескин ўзгариши мумкин. Қорга айланувчи ёмғир ёғиши ёки тўсатдан ҳаво очилиб кетиши мумкин.

Йўлнинг қуёш нури тушиб турадиган қатнов қисми қордан тез эрийди, аммо соя тушиб қолган қисмида эса транспортлар ўтиши натижасида қор қатлами музга айланади. Йўлнинг бундай қисмида ҳайдовчилар жуда эҳтиёткор ва зийрак бўлишлари, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишлари шарт. Бундан ташқари ҳайдовчилар тезлик тартибига риоя қилиб, хавфсиз оралиқ масофани сақлаб, шаҳар йўлларига фақат техник соз бўлган транспортда чиқишлари керак. Сирпанчиқ шароитларда машинани учириб ҳайдамай юргизгич орқали секинлантириш керак. Транспорт қайси ён томонга сирғаниб қолса ўша томонга рулни буриш лозим.

Биринчи қорли кунларнинг ўзида шаҳримизда йўл-транспорт ҳодисалари бирмунча кўпайди. Шуни ачиниш билан айтиш мумкинки, баъзи транспорт ҳайдовчилари йўловчиларни уриб кетиб, унга ёрдам бериш ўрнига жуфтакни ростлаб қолишмоқда. Биз бундай кимсаларни инсофга чақириш билан бирга, улар бошқарган машина номерини кўрганлар бўлса тезда милиция ёки шаҳар Давлат автомобиль назорати бошқармасининг қидирув бўлимига хабар қилишларини ҳам сўраймиз.

Шуҳрат НУҒМОНОВ,
Тошкент шаҳар Давлат автомобиль назорати бошқармаси ходими.

Ишбилармонларнинг сиртқи мактаби

МАРКЕТИНГ — БОЗОР АСОСИ

Бозорни ўрганиш, билиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш бугунги кунга келиб ҳар бир тадбиркорнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Тадбиркорлик соҳасида ташкил этилаётган кўплаб фирмалар ва умуман, бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатаётган корхоналар учун ишлаб чиқаришни бошқариш, маҳсулотларни сотиш йўлларини, мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаб олиш лозим. Ривожланган мамлакатларда йирик компаниялар ва фирмалар ҳузурида юқоридаги муаммолар билан шуғулланувчи бўлимлар мавжуд бўлиб, улар «Маркетинг бўлимлари» деб аталади. Маркетинг бу товар ишлаб чиқарувчилар ва харидорларни ўзаро боғлашга эришишга қаратилган хўжалик муносабатлари мажмуйидир.

Маркетинг атамаси инглизча «market» сўзидан олинган бўлиб, бозор ёки бозорнинг асоси деган маънони англатади. Унинг асосий қоидалари бозорни билиш, бозорга мослашиш ва унга таъсир этишдир. Маркетингнинг вужудга келишининг асосий сабабларидан бири бу, ишлаб чиқаришнинг кўлами ва ҳажмининг ортиб бориши, янги тармоқларнинг вужудга келиши, маҳсулот турларининг кўпайиши, бир сўз билан айтганда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида маҳсулотни сотиш муаммоси тадбиркорлар олдида кўндаланг туриб қолишидир.

Корхона маркетинг воситасида ғоят тез ўзгариб турадиган бозор талабига мослашади ва самарага эришади. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона маркетинг воситасида бозор билан узвий боғланади, ишлаб чиқариш маблағларини бозор талабига мос товарлар тайёрлашга қаратилган тадбиркорлик ва тижорат ишларини режалаштиради.

Бугунги кунда маркетинг кўплаб институтларда фан сифатида ўқитилиши, турли маркетинг уюшмаларининг пайдо бўлиши унга бўлган талабнинг юксаклигидан далолат беради. Чунки ҳар бир тадбиркор бозорни олдиндан кўра билиш, маҳсулотни юқори нархда сотиш, ишлаб чиқаришни бошқариш усул ва услубларини пухта ўрганишни истайди. Шунинг учун улар маркетинг назариясини жорий этиш ва бу орқали фирма фойдасини оширишлари мумкин.

Бозор иқтисодиётида бозор ҳолатига таъсир этувчи турли-туман омилларни ўрганиш хўжалик юритиш борасидаги ечимларни қабул қилишда бошланғич асос бўлиб хизмат қилади. Рақобат курашида фирманинг муваффақияти талаб даражаси, хусусияти ва унинг ўзгариш йўналишларини қанчалик синчиклаб ўрганилганлигига боғлиқ бўлади. Бозорни таҳлил этиш натижалари фирманинг харид ва келажакдаги йўналиши асосини ташкил этади. Улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни янгилаш суръатлари ва ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва меҳнат заҳираларига бўлган талабни аниқлайди. Бозорни ҳар тарафлама атрофлича ўрганиш йўналишларининг асосийларидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: а) талабни ўрганиш; б) бозор таркибини аниқлаш; в) маҳсулотни ўрганиш; г) рақобат шароитларини тадқиқ этиш; д) сотиш шакли ва услубларини таҳлил этиш.

Талабни ўрганиш — бозорни ўрганишнинг бошланғич босқичи бўлиб, унинг умумлаштирувчи характеристикаларини аниқлайди. Бунда маркетинг режалаштириш ва уни бошқаришни ташкил этиш, талабни ўрганиш, бозор имкониятларини таҳлил этишда муҳим роль ўйнайди. Бозор талаби ўзгарувчан хусусиятга эга. Унга демографик, умумиқтисодий, ижтимоий-маданият, психологик ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади. Шунинг учун бозорда аҳолининг сони, жинси, ёши, даромади, маҳсулотнинг сифатигача таҳлил қилиниши лозим.

Фирма маҳсулотидан келиб чиққан ҳолда уни сотишга бевосита таъсир этувчи юқоридаги омиллардан бири танлаб олинади. Масалан, телевизор ишлаб чиқарувчи фирма учун аҳоли сони эмас, балки оилалар сонини билиш муҳимдир. Ана шунга қараб фирма ўз ишлаб чиқаришини режалаштиради. Ҳар қандай фирма иқтисодиётда самарали ҳаракат қилиши, ўзининг олдига қўйган мақсадларига эришиш учун маркетинг стратегиясини танлаб олиши лозим. Маркетинг стратегияси деганда умумий ҳолда корхонанинг имкониятларини бозор талабига мувофиқлаштириш тушунилади. Маркетинг стратегияси бозорни тадқиқ қилиш ва прогнозлаш, маҳсулот ва истеъмолчиларни ҳамда рақобатчиларни ўрганиш асосида ишлаб чиқилади. Бунда ишлаб чиқарувчи ўзининг маҳсулотларини ва рақобатчилар маҳсулотлари билан таққослаш, яъни рақобат даражасини, сотиш усулларини ва фойдани ҳисобга олиш зарур. Тадбиркор фирма учун асло харидорни кутиб ўтириш ярамайди, имкони борича у бозорни ўрганиши ва шунга мувофиқ ҳолда иш олиб бориши лозим. Шу мақсадда кўпчилик фирмалар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар режалаштирилади. Маҳсулот тайёрлашни режалаштириш фирма маҳсулотини ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг ҳамма томонлари бўйича узлуксиз қарорлар қабул қилишдир. Бунда янги турдош маҳсулотларни танлаб олиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, эски турдаги маҳсулотларни қисқартириш, баъзиларини ишлаб чиқаришни умуман тўхтатиш масаласида бир қарорга келинади.

Умуман олганда маркетинг миқёси жуда кенг бўлиб, у ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқаришдан тортиб, то сотишгача бўлган жараёнларни қамраб олади.

Ражаб МУСУРМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институти аспиранти.

Иш билан бандлик

ҲАРАКАТЛАРИМИЗ БЕҲУДА КЕТМАЯПТИ

Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунини амалга ошира бориб, «Бандлик — 95» дастури бўйича бир қатор режалар тузган. Шунга кўра меҳнат ташкилотларида, аҳоли ўртасида ташвиқот, тушунтириш, ташкилий ахборот ишлари олиб борилмоқда.

Айниқса маҳаллалар билан алоқани кучайтириш юзасидан туман бандлик хизмати бўлимлари маҳаллаларда кўплаб йиғилишлар ўтказишаётир. Тошкент шаҳри бўйича 96 тадан ортиқ маҳаллаларда аҳоли билан учрашувлар ташкил қилинди.

Аҳолини ва айниқса хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ишга жалб этиш ва иш билан таъминлаш борасида яқинда Юнусобод бандлик хизмати томонидан «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» ярмаркасини ташкил этди. Унда шаҳарнинг бошқа туманларидаги корхона ва ташкилотлардаги аёлларга мўлжалланган бўш иш ўринлари тавсия этилди.

Ярмарка ўтказишдан олдин туман бандлик хизматида, ҳокимлик ва хотин-қизлар кенгаши билан биргаликда чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунга асосан маҳалла фаоллари билан учрашувлар, корхона, ташкилотларнинг раҳбарлари билан бўш иш жойларини аниқлаш ва рўйхатини тузиш ҳамда маориф, ички ишлар бошқармаси ҳарбий ишлар бўлими бу ярмаркада фаол иштирок этиш учун жалб этилди.

Аҳоли, корхона ва муассасаларнинг масъул ходимлари учун «Ишчи ва хизматчиларни ишдан бўшатиш ва уларга имтиёзлар ва бадал бериш тартиби тўғрисида», «Ишсиз қолган аёллар учун эслатма», «Янги мутахассисликка ўқимоқчи бўлганлар учун эслатма», «Ишламаётганлар учун эслатма» каби ҳуқуқий масалаҳатлар қўлланмаси чоп этилиб фуқароларга тарқатилди.

Ушбу ярмаркада тумандаги 90 дан ортиқ корхона, ташкилот ва мутахассислар иштирок этиб, ўзларидаги бўш иш ўринларига ходимлар қабул қилишди, ишсиз фуқаролардан 230 кишига иш билан таъминлаш учун йўлланма берилди.

Жорий йилнинг 1 ноябрига қадар шаҳардаги 3788 та корхона, ташкилот ва муассасалар туман бандлик хизмати бўлимларига мавжуд бўш иш жойлари ҳақида маълумот бердилар, шулардан 846 тасида 15009 бўш иш жойлари мавжуд бўлиб, булардан 11236 таси ишчи касблар ва 3773 таси техник, муҳандис, хизматчиларга муҳтож корхоналардир.

Йил бошидан бери 48105 фуқаро халқ хўжалик тармоқларига ишга жалб қилинди, шу жумладан халқ хўжалиги тармоқлари бўйича: — саноатга 4898 та, қурилишга — 4196 та, транспорт ва алоқага — 1771 та, савдо ва умумий овқатланишга — 30162та, турар жой ва коммунал хўжалик, маиший хизмат кўрсатишга —2538та, соғлиқни сақлашга —555та, халқ таълимига —400та, маданият ва санъатга —393та, кредит ва суғуртага —120та, информацион хизмат кўрсатишга —189та, илм ва фанга —179та, қишлоқ хўжалигига —385та, бошқа тармоқларга —1578 та киши ишга жойлаштирилди.

Бу йил ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун квоталашган махсус иш жойлари барпо қилиш механизми такомиллаштирилди. Туман ҳокимлари тасдиқлаган қарорлар чиққандан сўнг, унда кўрсатилган 4148 та махсус иш жойлари барпо қилишлари керак эди. Лекин шунга қарамай 161 та корхонада йил бошидан бери 3546 та махсус иш жойлари барпо этилди. Масалан, А. Икромов туманидаги хўжалик ва ичимлик суви билан таъминлаш тресті, Юнусобод туманидаги Навоий номли кутубхона, М. Улуғбек туманидаги «Тошдавлаттаъминотсавдо» корхонаси ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар учун махсус иш жойлари ташкил этмадилар. Ҳозирги кунда ҳуқуқшунос назоратчилар билан биргаликда жарима солиш ёки квотадан озод этиш масаласи кўрилмоқда. Ваҳоланки, яратилган квотали иш жойларига йил бошидан бери — 3250 та фуқаро ишга жойлаштирилди.

Корхона, ташкилотларда ҳокимларнинг квотали иш жойлари яратиш бўйича қарорларини амалда бажарилиши, шунингдек камчиликларни бартараф этиш юзасидан мунтазам назорат олиб борилмоқда. Йил бошидан бери 454 та корхонада 7 квота бўйича текширувлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Фармонига асосан туманлардаги бандлик хизмати бўлимлари муайян ишларни олиб бормоқдалар. Масалан, октябрь ойида меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли сони шаҳар бўйича 84678 тани ташкил этган бўлса, шундан 28968 та шахс ишлаш хоҳишини билдирган. Булардан 14956 нафари аёллар, 12012 нафари эса эркакларни ташкил этади.

«Қизилқумнодирметалл» концернига комиссиясига тақдим этилди. Биргина октябрь ойининг ўзида 20 киши Корея Республикасига жўнаб кетди. Жами 85 киши меҳнат қилмоқда.

Меҳнат вазирлигининг 1995 йилнинг июлидаги «Тошкентуйжойинвестқурилиш» давлат корпорацияси ва В.П.Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасини кадрлар билан таъминлаш ҳақидаги 44-П буйруғини амалга ошира бориб ўтган вақт мобайнида, яъни Тошкент қурилиш корпорацияси ташкилотларига 703 фуқаро йўлланма олди. Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига эса 296 киши ишга жойлашди. Бош бошқармага қарашли ўқув марказида ҳам ишлар яхши йўлга қўйилган. Масалан, йил бошидан бери 1993 киши ўқувчилар рўйхатига киритилди, шулардан 803таси марказга, 142 таси бошқа ўқув масканларига ўқишга қабул қилиндилар. Ҳозирги даврда ўқув марказида бандлик хизмати бўлимлари йўлланмалари билан 404 киши ўқимоқда. Ўқишни битирганлар иш билан таъминланган.

1995 йил 1 ноябрга ишсизлик мақомини олган ва ҳисобда турган фуқаролар сони 751 кишини ташкил этади. Жумладан, 250 таси ишсизлик нафақасини олаяптилар, 396 нафари ўқув марказида ўқияптилар, 66 та фуқаро ўқишни тугатди.

Шаҳар «Ёшлар» дастурига асосан ёзги таътил даврида 96 корхонада туман ҳокимлари қарорлари асосида 1593 иш жойи яратилди. Умуман олганда йил бошидан бери 458 та ёшлар иш билан таъминландилар. Кўпгина ўсмирлар сотувчи, кондуктор, санитар, фаррош ёрдамчиси, ишчи бўлиб ишлаяптилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 7 ноябрдаги 538-сонли қарорига ва Меҳнат вазирлигининг 1995 йил 18 февралдаги 2/4 қарорига асосан Бош бошқарма қошида меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими, туман бандлик хизмати бўлимларида меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитларини тадқиқ қилиш шўъбаси ташкил этилди. Бўлим ва шўъба мутахассислари йил бошидан бери 132 текширув ўтказдилар.

Шаҳар миқёсида 24 корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун қоидаларининг бузилиши аниқланди. Ушбу корхоналарнинг раҳбарларига текшириш натижасида аниқланган камчиликларни тузатиш учун ёзма кўрсатмалар берилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қаерда қандай иш олиб бормайлик, ўша ерда меҳнатчиларнинг иш шароитини яхшилаш, аёлларга қисқартирилган иш соатлари ташкил этиш борасида фикрлар билдирилмоқда. Шунинг учун ҳам ўтказилаётган «Бўш иш ўринлари ва лавозимлари» ярмаркаларида хотин-қизларни ҳамда вояга етмаган болаларни иш билан таъминлаш, бошқа ихтисослик бўйича қайта ўқитишлар изчил ташкил этилмоқда. Ўйлаймизки, бундан кейин ҳам иш билан банд қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз беҳуда кетмайди.

Собир САИДКАРИМОВ,
Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш Бош бошқармасининг бошлиғи.

«Тошкентсут» ҳиссадорлик жамиятида қайта ишланаётган сут маҳсулотларининг сифати яхшиланиб бораётганлиги уларга бўлаётган талабдан ҳам кўриниб турибди. Бундай самарага эришишда жамиятда сидқидилдан меҳнат қилиб келаётган ҳар бир ишчи-хизматчи ва мутасаддиларнинг хизмати катта бўлмоқда.

СУРАТДА: 6-даражали оператор Венера Қаюмова 20 йилдан буён шу ерда меҳнат қилади. У қабул қилинган сутни пиширади, совутади ва бошқа цехларга узатади.

Рашид Галиев олган сурат.

Олий ўқув юртларида

АЁЛЛАР ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Республикамизда «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилгани бутун Ўзбекистон аёлларининг болапарвар, меҳрпарварлигини янада оширди. Шу боис Президентимиз Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан келиб чиқиб, аёлларимизнинг бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимояланиши янада янгича тус олди.

Бугунги кунда жамиятимизда демографик жараён қандай кечаяпти, каби саволлар юзасидан Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат университетида «Аёллар ва демографик жараён» деб номланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни университет хотин-қизлар кенгашининг раиси Назира Абдуазизова олиб борди.

Йиғилишда география факультетининг профессор ўқитувчилари Озод Бобомирзаев, Рустам Ортиқбоев, Абдуҳаким Қаюмовлар ва университет талабалари қатнашдилар.

Бугунги бозор иқтисодиёти даврида демографик жараён аёлсиз амалга ошмайди. Бу сафга эркаклар кирмайди. Шу боис бугунги кунимиз талаби ҳам, зарурияти ҳам аёлни ижтимоий ҳимоя қилишдан иборатдир», — деди ўз маърузасида профессор Озод Боймирзаев.

Шундан сўнг мазкур мавзу асосида йиғилганлар томонидан маърузачиларга кўплаб қизиқарли саволлар берилди.

Зарбуви АЛҚАРОВА.

Ёднома

ҲАМИША БАРҲАЁТ

1911 йили Наманган вилоятининг Чуст туманида 13 болали камбағал деҳқон оиласида энг кенжа фарзанд бўлиб таваллуд топган, икки ёшида онаси, беш ёшида отасидан ажралиб, ризқу рўз қидириш ситамларини тортиб, бир бурда нон дардида ҳаётнинг не-не кўчаларига кириб чиқмаган, минг бор ўлиб, минг бор тирилган, аммо яхши одамлар кўрсатган меҳру муҳаббат туфайли болалар уйига жойлашган Файзулла Тошкентда илм, ҳунар ўргана бошлади.

— Интернатда эканман, — деб ёзган эди у кейинчалик ўзининг эсдаликларида, — тақдиримда буюк ўзгариш ясаган ҳарбийларни чуқур миннатдорчилик билан эслайман. Ҳамиша ҳарбийларга аллақандай илиқ муносабат, ҳавас билан қарардим. Тошкент кўчаларидан аскарлар саф тортиб кетаётганларида орқаларидан бориб, худди улардек гурс-гурс қадам ташлаб юришга интилардим. Нима қилсам, улар сафига қўшила олармканман, деб ўйлардим. 1925 йилнинг охирлари эди. Интернат болаларининг ҳаммасини ҳовлига олиб чиқиб, бир сафга тизишди. Мураббийларимиз билан бирга узун қора шинель кийган тўрт нафар йигит ҳам кириб келди. Уларнинг бош кийимларидаги юлдуз ял-ял ёнарди. Меҳмонларга қизиқиш билан тикилиб қолдик.

— Булар — армиянинг бўлғуси командирлари, — деб изоҳ берди чарм пальтоли киши. Шу мактабда ўқиб, армия учун командирлар бўлишни ҳоҳловчилар бўлса, марҳамат, сафдан икки қадам олға чиқсин!

«Мана энди ниятимни амалга ошириш имконияти келди», дедим-да, биринчи бўлиб сафдан олдинга отилиб чиқдим. Яна беш ўсмир ҳам шундай қилишди. Бир неча кундан кейин биз завқ-шавқ билан Бухородаги ҳарбий тайёргарлик мактабида машғулотларга киришиб кетдик...

Шундай қилиб, Файзулла Норхўжаевнинг ҳаётида янги давр, янги саҳифа очилди. Кейинчалик у Фарғонада, Тошкентда таҳсил кўрди, ҳарбий маҳоратини оширди ва ниҳоят, 1931 йили армиянинг тўпчи командири бўлиб етишди. Дастлабки хизмат жойи чегара шаҳар Кушкадан бошланиб, кейин Ашгабатга, 1932 йилдан Узоқ Шарққа кўчирилди. Сабаби, 30-йилларнинг бошларида Узоқ Шарқдаги вазият анча чигаллашган эди. Япон милитаристлари Манжурияни босиб олиб, чегара яқинида ҳарбий куч тўплай бошладилар. Хитой-Шарқий темир йўли можаросидан сўнг япон самурайлари Манжурияда зўр бериб хавф-хатар солишаётган эди.

Узоқ Шарқ Алоҳида армиясининг қўмондони, Маршал Василий Константинович Блюхер ихтиёрига Тошкентдан ёрдамга келган артиллерия дивизиони батареяси қомандири Файзулла Норхўжаев Ҳасан кўлида, Халхин-Гол дарёси бўйидаги тенгсиз жангларда япон самурайлари устидан ғалаба қозонишда катта мардлик, жасорат кўрсатди...

Уруш фахрийси, истеъфодаги генерал-лейтенант, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Республика уруш ва меҳнат фахрийлари уюшмаси кенгаши раиси мурвини Собиржон Охунжонов ўз қуролдоши ва устози ҳақида фахр ва ифтихор билан тўлиб-тошиб шундай дейди: «1941 йили қирғинбарот бошланганида Файзулла Норхўжаев анчагина тажриба орттирган етук ва моҳир командир эди. 1941 йилнинг охири, 1942 йилнинг бошларида Ўзбекистонда миллий қисм ва алоҳида бригадалар тузила бошлади. Улар таркибида фронтга, 94-ўқчи бригада артиллерия бошлиғи бўлиб капитан Файзулла Норхўжаев келган эди. Маълумки, бу бригада Москва остоналарида, кейинчалик 3-гвардиячи армия таркибида Сталинград, Ғарбий-жанубий фронтларда мардлик кўрсатди.

Файзулла Норхўжаев командирлик қилган танкка қарши қирувчи, гвардиячи, миномётчи «Катюша» номи билан донг таратган полклар ҳақида жанггоҳларда кўп гапиришарди. Юртдошларимиз бир-бирларига «Бизнинг ўзбеклардан Файзулла Норхўжаев деган моҳир командир чиққанмиш. Душманни боплаб адабини бераётган эмиш. Олий Бош Қўмондоннинг назарига тушибди» деб қўйишарди.

Ҳа, у киши чиндан ҳам артиллериянинг зўр ҳадисини олган эди. Душманлар Норхўжаев тўпчилари билан юзмаюз келишдан жуда қўрқишарди. Чунки артиллерия «уруш худоси» деб ном чиқарган эди. Сабаби, тўп, замбараклардан катта зарб билан отилган ўқлар тушган жойини куйдириб, ер билан яксон қилар эди-да! Файзулла Норхўжаев неча марта ярадор бўлиб, ҳарбий госпиталларга тушса ҳам, узоқ ётмасди. Бир ғалати воқеа бўлгани кечагидек эсимда: чекинаётган босқинчилар гоҳо-гоҳо қарши ҳужумлар ҳам қилиб туришарди. Бир куни кутилмаганда жангни бошқариб турган Файзулла Норхўжаевнинг ёнгинасида снаряд қаттиқ портлади. Жуда кучли зарб командирни нариги бино ертўласига улоқтириб юборганини ҳеч ким сезмай қолди. У ҳушидан кетиб йиқилганди. Аскарлар ёрдамга югурдилар. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Файзулла Норхўжаев гўё ҳеч нарса бўлмагандек яна жангга кириб кетди...

«От босмаганни тойлар босар» дейишганидек, эндиликда Ўзбекистонимизнинг мудофаа кучларини моҳирлик билан бошқараётган, унинг кучига куч, қудратига қудрат қўшаётган ўзимизнинг қўмондонларимиз, генералларимизни кўрганида ўзида йўқ қувонарди раҳматлик».

Файзулла Норхўжаевнинг 1941 йилдан то уруш тугагунча ва ундан кейинги фаолиятининг ўзи бир неча китоб бўлгулик, битмас-туганмас хазинадир. Унинг ҳақида илиқ ва самимий хотиралар бисёр, уларни қоғозга тушириш ҳам шарафли. Аммо кўпчиликнинг ёдида артиллерия генерал-лейтенанти Файзулла Норхўжаевнинг 1970 йил 1 май куни Тошкент шаҳар гарнизони бошлиғи сифатида ўтказилган ҳарбий намойишга қўмондонлик қилгани бўлса керак. Унинг шаҳдам қадамлар билан минбарга кўтарилгани, намойишчиларга қарата жанговар нутқ сўзлагани, жарангдор овози тарих саҳифаларига муҳрланган. Ундан нафақат яхши хотиралар, балки ёдгорликлар, яхши ном қолди. Файзулла Норхўжаев туғилиб ўсган Наманган вилоятининг Чуст туманида у яшаган уй ҳозир ҳам сақланиб қолган. Унинг муборак номи Чуст туманидаги жамоа хўжалиги, Тошкент шаҳридаги мактаб, кўчага берилган, Фаробий қабристонида ёдгорлик ўрнатилган. Шулар боис номи тез-тез ёдга олиниб турилиши истеъдодли саркарда Файзулла Норхўжаев барҳаётлигидан нишонадир.

Умр ўткинчи. Қанча-қанча карвонлар ўтиб кетдилар. Ажойиб инсон Файзулла Норхўжаев ҳам ўзбек халқи ичидан етишиб чиққан генераллар орасида катта карвон эди. У ҳаёт бўлганида 85 ёшга тўлган бўларди.

Искандар РАҲМОН.

Жонкуяр муаллимларимиз

САВОБ ИШ ЭГАЛАРИ

Йўлчи ака бугун уйга дили хуфтон бўлиб қайтди. Мана бир ҳафта бўляптики, у ўзи жуда ишонган Анвар исмли бола ўқишга келмай қўйди. Жисмоний тарбия ўқитувчиси билан бир масалада тортишиб қолиб, хафа бўлибди. Синф раҳбари Анварнинг уйига борса, боланинг отаси:

— Мен боламни камситишларига йўл қўймайман. Ўқиб олим бўлмай қўяқолсин. Майли, ўзимга ўхшаш кетмончи бўлар, эртадан ўзим билан далага олиб чиқиб кетаман, — деб жавоб берибди.

Отанинг бу гапларини эшитган Йўлчи ака ўйланиб қолди.

— Йўқ! — деб юборди ўзига-ўзи. — Анвар ўқиши керак, ўқийди ҳам. У қобилиятли бола. Арзимаган нарса билан ўқишдан қолиб кетаверса, оқибати яхши бўлмайди ахир.

Йўлчи ака туни билан бу ҳолатни ўйлаб ухлолмай чиқди. Тонг саҳарлаб ўрнидан турдию, чой ҳам ичмай, йўлга отланди. Йўлни тўғри Анварларнинг уйи томон солди. Ота далага кетиб қолмасидан учрашиб гаплашишни ният қилди. Буни қаранг, ният холис деб шуни айтадиларда. Анварларнинг кўчасига бурилиши билан, далага отланган ота-болага рўбарў бўлди. Отанинг елкасида катта кетмон. Анварнинг қўлида эса бўхча бор эди.

— Ассалому алайкум, отахон! — кучоқ очиб сўрашди Йўлчи ака ота билан. — Ҳа, ҳали тонг ёришмасданоқ қаерга кетяпсизлар?

Анвар гуноҳкорлардай елка қисиб Йўлчи ака билан сўрашди. Отаси эса мактаб директорини таниб ва нима ниятда улар томонга келаётганини сезиб:

— Майли ука, ҳамма ўқимишли бўлиши шарт эмас. Мендай одамнинг ўғли ҳам оми бўла қолсин, — деди шартта.

— Отахон, ундай эмас! Ўзингиз ўйлагандай оми одам ҳам эмассиз. Ўз касбингизнинг билимдон кишиси бўласиз. Ўғлингиз эса қобилиятли болалардан бири. Уни ўқишдан олиб қолмоқнинг асло ҳожати йўқ. Қирқига чиқаган, қирқ бирига ҳам чиқанг энди. Бир йилгина қолди, мактабни тугатиб олсин. У ёғи ўз ихтиёрингизда, истасангиз институтда ўқишини давом эттиради, истамасангиз далага олиб чиқиб кетаверасиз. Аммо менинг фикрим, бола олий ўқув юртларидан бирида ўқишни давом эттира оладиган қобилиятга эга, — деди Йўлчи ака отанинг елкасига қўлини ташлаб.

Йўлчи аканинг бу самимий гапларидан отанинг кўнгли эриб кетди. Қатъий қароридан ҳам воз кечди-да:

— Майли, сиз айтганча бўла қолсин, биродари азиз. Бугунча рухсат беринг, картошка чопиғига ёрдам бера қолсин Анварбек. Эртадан ўқишга боради. Розиман, — деб юборди.

Йўлчи акага отанинг шу гапи керак эди, холос. У ота-бола билан самимий хайрлашиб, ҳали эртароқ бўлса ҳам, мактаб томонга қараб кетди. У мактаб қоровули қуйиб узатган бир пиёла чойни хўплар экан, ўқитувчилик касби нақадар масъулиятли ва айни пайтда савоб иш эканлигини ҳис қилиб жилмайиб қўйди...

Йўлчи Абдуллаев бошчилик қилаётган Шайхонтоҳур туманидаги Лутфий номли 254-мактабда 1500 га яқин бола ўқийди. Ҳар бир боланинг ўзи бир дунё. Ҳар бир бола билан ўз тилини топиб гаплашиш керак. Уларнинг ота-оналари билан муомала қилишнинг ҳам минг бир қирраси бор. Шундай ота-оналар ҳам борки, баъзида муаллимнинг ёқасидан оладиган даражада бўлиб мактабга кириб келадилар. Шундай ота-оналар билан мактаб раҳбарлари тил топиб, гаплашмасалар, мактаб ва бола ўртасида тугун пайдо бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Йўлчи ака пиёладаги чойни хўплар экан, шулар ҳақда ўйлар эди. Чунки бу касбнинг фидойилари мактабга тирикчилик ўтказиш учунгина эмас, балки янги бир авлодни тарбиялаш, ўз келажагига замин қўйиш, имон ва виждон бутлиги ҳамда ҳалоллик биносини қуриш учун борадиларким, бундай савоб ишларни қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу ишларга ҳалол, пок, фидойи одамларгина ярайди.

Тўлқин ИМОМХЎЖАЕВ.

Мулоҳаза ўрнида

«РАБОТ»МИ, «ОБОД»МИ?

Муаззам Тошкентимиз жаҳон халқлари тилига тушиб, мамлакатимиз пойтахтини кўришга иштиёқмандлар сони тобора ортиб боряпти. Юртнинг бош шаҳри — мамлакатнинг юзи, чеҳраси, мисоли. Пойтахт донғидан ғурурланиш ҳар бир фуқаронинг фазилатидир. Халқимиз ўз пойтахтини шаксиз севади, унинг яна ҳам чирой очишини истайди. Лекин ҳамма ўзбекистонлик ҳам ўз пойтахти тарихини, кўчаларини, мавзеларини, муҳташам сарой кошоналари «таржимаи ҳолини» биладими? Яқинда куракда турмайдиган бир гапнинг гувоҳи бўлиб қолдим:

— Ленин туманини Мирободга айлантириш — ёмғирдан қочиб қорга тутилишдай гап. Генерал Скобелев (?) Тошкентни босиб олгач (?), ерли амалдорлар билан тил бириктирган. Ўша жойнинг номи Миробод бўлиб кетган.

Қаранг, «мир» (тинчлик) билан «обод» сўзи бирикканмиш!

Бундай соф кўча гапларни, жайдари қарашларни Қурбақаобод, Қори ёғди, Дўмбиробод сингари жой номлари ҳақида ҳам эшитиш мумкин.

Тошкент XX асрда, хусусан, кейинги 30-40 йил ичида ҳудудан ниҳоятда кенгайди, кўкка бўй чўзди, ер ости кошоналарига эга бўлди. Аср бошидаги Гавкуш, Ўқчи, Эгарчи, Пиёнбозор, Қаймоқбозор, Сомонбозор сингарилардан ном-нишон қолмади. Мен пойтахт ҳудудига кейинчалик қўшилган жой номлари ҳақида баъзи мулоҳазаларни билдирмоқчиман.

Эллигинчи йилларгача Тошкент ҳудуди анча тор эди. Пойтахт шаҳарни Хонобод, Юнусобод, Файзобод, Миробод, Қозировот, Дўмбиробод, Қурбақаобод, Қушбеги, Шофайзи сингари мавзе, қишлоқлар қуршаб олган эди. Тошкент теварагида шунча «обод»лар бўлгани ҳолда нега Тошкент ҳудуди кенгаймаган? Ўзим гувоҳман, Тошкент шаҳрининг аҳли ёзда чорбоғларга кўчиб кетар, кеч кузда шаҳар ҳовлига кўчиб келарди. Баъзиларнинг шаҳар ҳовлиси билан чорбоғи орасидаги масофа яқин бўлса (масалан, Абдулла Қодирийнинг шаҳар ва боғ ҳовлиси сингари), баъзиларнинг боғ ҳовлиси анча узоқда бўларди. Эллигинчи йилларда ҳам дўмбироболдик, қаънилик талабалар шаҳарда ижарада турганлар. Ҳафта, ўн кунда бир уйларига бориб келганлар. Йўл ёмон бўлган, транспорт қатнамаган. Шаҳар атрофи боғ-роғ бўлган. Лекин боғ-роғлар «обод» сўзининг келиб чиқишига боис бўлмаган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Тошкент шаҳри атрофига равот қуриш, боғ-роғлар барпо қилиш кучайиб кетди. Тошкент қозиси Жанубий-шарқ томонга работ қурган. Бу жой ҳануз Қозиработ дейилади. Тошкентликлар «работ»ни «равот» шаклида ишлатишган. Қушбеги ҳам, девонбеги ҳам, кўрбоши ҳам работ қурган. Ҳануз «Қушбегиравот». «Девонбегиравот», «Кўрбоширавот» деган жойлар бор. Лекин улар, тахминимча, бузиб, «Қушбеги», «Дўмбировот», «Кўрбақаобод» тарзида талаффуз қилинади. Юнус, Файзи, Шофайзи исмли кимсалар ҳам равот қурган бўлишлари мумкин. Табиийки, улар ўз равотлари атрофини боғ-роғ қилганлар — обод бўлишига эришганлар. Қаранг, «равот» билан «обод» орасида мантиқий боғлиқлик бор.

Хўш, биз қачон «работ» (равот)ни «обод» билан алмаштира бошладик? 30-йилларда Шўро ҳукумати йўқни йўндиришга зўр берди. Ўша йилларда Сталинобод, Ленинобод, Микоянобод, Кировобод, Колхозобод, Советобод, Деҳқонобод, Меҳнатобод, Зафаробод, Халқобод сингари жойлар кўпайиб кетди. Тўғри, қадимда Ҳайдаробод, Жалолобод, Шеробод, Бекобод деган жойлар бўлган. Эҳтимол, ўша «обод»лар ҳам аслида «работ» бўлгандир.

Йироқ ва яқин ўтмишда работлар ён-верида қўрғонлар қад кўтарган. Тошкент атрофида Нўғойқўрғон, Бешқўрғон, Қўшқўрғон, Байтқўрғон, Оққўрғон сингари қишлоқ -кўрғонлар бўлган. Работ-у қўрғонлар қишлоқ, мавзелар асоси бўлган. Работ баъзида «сарой» номини олган: Яккасарой, Оқсарой, Ўртасарой сингари.

Хулоса шуки, Қозиравот, Дўмбиравот, Миравот, Юнусобод, Файзиобод номларини ёзганда, Яккасарой, Ўртасарой деганда асли — «работ» сўзи таянч бўлганини эслайлик. Шуниси ҳам борки, мутахассислар балки, бизнинг фикримизга қарши борарлар, тарихий далилларга асосланиб «работ» аслида «обод»лигини исботларлар. Ҳар нима бўлса-да, ҳақиқат юзага чиқади. Шундай эмасми?

Абдуғафур РАСУЛОВ,
Дўмбиравот маҳалласида яшовчи фуқаро.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

№ 49

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси



Дил тубидан

КЕЛАЖАК УЧУН

Автобусда икки кишининг суҳбатига беихтиёр гувоҳ бўлдим. Машинамиз энди Анҳордан ўтиши билан уларнинг бири уҳ тортиб қўйди.

— Ҳа, — деди шериги, — тинчликми?

— Болалигим эсимга тушиб кетди. Шу Анҳордан ҳовучлаб сув ичган дамларим қайтиб келармикан?! Айтишларича шаҳримиздаги оқар сувлар ичиш у ёқда турсин, ҳатто экин-тикинларни суғоришга ҳам яроқсиз ҳолга келиб қолганмиш...

— Битта Анҳор шу аҳволдами? — қўл силтади шериги, — Қичқириқ ҳам, Салор ҳам, Қорасув ҳам, Қорақамиш ҳам шу аҳволда. Аввалари сувқувур деган нарса бўлмасди. Ҳовузлардан, ариқлардан қўрқмай сув ичаверардик... Энди бўлса...

Беихтиёр ўйлаб кетасан: наҳотки шу гаплар рост бўлса?! Наҳотки ўтган эллик-эллик беш йил мобайнида сувлар, ҳаво, тупроқ шунчалар танг аҳволга келиб қолган бўлса?! Унчалик эмасдиров деб ўйлайсан. Нимадан бошланди ўзи бу табиатнинг номутаносиблиги?

Ҳаёт тиним билмасдан олға босади. Одамзод эса ана шу ҳаёт билан баробар одим ташлаб бораверади. Дов-дарахтлар, сувлар, жонзотлар, паррандалар одамзодга бу борада кўмакчи, мададкор. Яшаш, яратишнинг сўқмоқларида инсон боласи толиқса соя-салқинда дам олади, чанқаса сув ичади, қорни очса ернинг ноз-неъматларини тановул қилади. Қушлар чуғури унга ҳузур бағишлайди, гўзалликлар кўзларини қувнатади. Демак, ҳаёт инсонга — бизга табиат бағрида эмин-эркин яшаш учун барча имкониятни бажо этган. Аммо биз-чи?

Одамзотнинг одатига ҳайрон қоламан. Йўқ бўлса оламга жар солади. Бор бўлса нес-нобуд қилади. Шаҳримизнинг бор-йўғи эллик-олтмиш йил аввал довдарахтга, гулга бурканган, сувлари зилол бўлгани, ҳаволари тозаю паррандалар сероб, ҳатто булбул ҳам сайраб турганини сўзлаймиз. Хўш, ана шундай шароит ҳозир ҳам бўлиши мумкинмиди? Мумкин эди!

Тирикчилик ҳамиша зарур чоралар кўришимизни тақозо қилади. Уй қуришга дарахт кесилади. Тоза яшаш учун сув зарур. Сув умуман фақат озодагарчилик эмас, балки ҳаёт манбаи ҳамдир. Лекин бир дарахт кесилса иккинчиси экилиши, сувнинг тоза бўлиши учун у муҳофаза қилиниши, ҳаво пок бўлиши учун уни ифлослантирмаслик керак. Бу ҳаётнинг қонуни.

Қадим-қадимда бир донишманд бўлган экан. У ҳамиша қишлоқда бир туп дарахт кесилса икки туп ниҳол экиб қўяр экан. Нега бундай қиляпсиз деганларга эса:

— Келажак учун, — деб жавоб берар экан. Худди шундай, сувга ахлат ташламоқчи бўлганларни бу ишдан қайтарар, «Ишингиз нима, нега бундай қиляпсиз?» деганларга эса:

— Келажак учун, — деб жавоб берар экан.

Охири одамлар донишмандни «Бўлар-бўлмасга бурнини тиқаверади» деб қишлоқдан бадарға қилибдилар. Сўнг уларни тергайди одам бўлмагани учун кўнгилларига келган ишни қилаверибдилар. Қаровсиз қолган дарахтлар қурибди, кесилиб тугабди. Шовуллаб турган дарахтзордан фақатгина тўнкаларгина қолибди. Сувлар ариқларда тўлганиб, алам билан оқадиган бўлибди. Ҳавога бадбўй ислар учиб чиқаверибди. Ерлар ҳосил бермай қўйибди. Қишлоқда яшаш оғирлашибди. Ана ўшандагина донишмандни эслашибди. Унинг доно маслаҳатларига амал қилмаганлари учун афсус чекибдилар. Сўнгра донишманднинг ҳайкалини ўрнатиб, пойига «Доноларнинг сўзлари — ҳаёт чироғи» деб ёзиб қўйишибди. Сўраган меҳмонларга эса:

— Келажак учун, — деб жавоб беришибди.

Билмадим ўша донишманднинг исми нима экан: Инсофми, Диёнатми, Иймонми... Менга қолса донишманднинг номини Виждон деб атаган бўлардим. Чунки табиатни асраш — Виждон буюргани, ҳаммамизнинг Виждон ишимиздир.

Биз ҳамма нарсани ўз қаричимиз билан ўлчашга ўрганиб қолгандекмиз. Киприк қоққунчалик муддатда ўтадиган умримизда ўз ҳузуримизни ўйлаб, ҳаракат қилаётганга ўхшаймиз. Ахир бу дунёда бизгача ҳам одамлар яшаб ўтганку! Улар ҳам бизни — ўз авлодини, келажагини ўйлаб яшагандир ахир! Бўлмаса минг йиллик чинорлар, сersув дарёлар, ҳосилдор далалар бизгача етиб келмасдику!

Юқорида виждон иши дедик. Чиндан ҳам қайси виждонли хонадон, молхонаю ҳожатхонасини шундоққина Анҳор соҳилига қуриб қўяди?! Қайси корхона раҳбари ҳавога чиқинди чиқарадиган ускунани янгилаш, бузилганини тузатиш ўрнига жарима тўлашни афзал билади?! Ахир ичимлик сувда, ҳавода, ҳатто она ерда хром, азот, калий, мис зарралари ва бошқа кимёвий моддалар йўл қўйилган меъёрдан бир ярим-икки баробар ортиқлигини бугун ҳамма биладику! Шу ишлар бўлмаслиги мумкинмиди? Мумкин эди! Агар виждон сўзига қулоқ солсак, инсоф билан иш юритсак, энг муҳими келажакни ўйласак, бунчалик аҳволга тушиб қолмасдик. Сергели, Чилонзор, Мирзо Улуғбек туманларидаги қудратли корхоналар, очилаётган кўплаб кичик ва қўшма корхоналарнинг фойда кетидан қувишлари, чиқиндиларни бартараф қилмасликлари атроф-муҳитга таъсир кўрсатмоқда. Текширишда эса бу корхоналарнинг мутасаддиларининг топиб олган гапи битта: «Қанча жарима тўлаймиз?» Ахир қачон жарима тўламасдан ёруғ юз билан ҳамма ишни талаб этилганидек жой-жойига қўямиз? Эртанги кунга ёруғ юз билан қараймиз?

Яна бир йил ўтди. Келгуси йилда табиатни нима билан мамнун этаркинмиз? Виждонимиз айтганини қилармиканмиз? Янги аср бўсағасида турибмиз. XXI асрни ёруғ юз билан кутиб олармикинмиз? Юрагим тошиб: «Одамлар, ҳамшаҳарлар, бугун тўйган қорин эртага яна очади, бугун кесилган дарахт эртага яна болаларимизга керак бўлади. Табиат — Онамиз, онани эъзозлаб, дуосини олайлик!» дегим келади.

Шундай қилайликки, «Келажак учун нима қилдингиз?» деган савол кўндаланг бўлганда, юзимиз шувут бўлмасин.

Толиб САЪДУЛЛАЕВ.

Наботот оламида

ИНСОНИЙЛИК БУРЧИМИЗ

Ер юзида биронта инсон йўқки, унинг ҳаёти дарахтлар билан чамбарчас боғланган бўлмасин. Биринчи навбатда хонангизни кўздан кечиринг: пол, деразалар, эшиклар, мебеллар ҳаммаси ёғочдан ишланган. Дарахтдан китоб, дафтарлар, бўёқ учун ишлатиладиган қўшилмалар, махсус мойлар, ҳатто айрим дармондорилар ва дори-дармонлар ҳам тайёрланади. Хуллас ёғочдан ишланадиган маҳсулотларни санайверсак улар ўн минг хилдан ошади. Демак ёғоч ҳаётимизда муҳим ўрин тутади.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак Америка ва Антарктидани ҳам ёғочдан ишланган кемаларда кашф қилишган. Биринчи самолётлар ҳам ёғочдан ишланган.

Кўплаб жониворларнинг, қушларнинг, асаларларнинг тақдири, ҳаёти ҳам дарахтлар билан боғланган. Афсуски, кейинги йилларда дов-дарахтлар жаҳон бўйича ёвузларча кесиб ташланмоқда.

Ўзбекистонимизда дарахтларни парваришлашга кейинги йилларда катта эътибор берилмоқда. Йилига тоғли жойларга мевали ва манзарали дарахтлар экиб, табиий ўсимликлар томонидан яратиладй. Агар улар йилига 83 миллиард тонна бўлса, шундан 53 миллиард тоннаси қуруқликда пайдо бўлади. Унинг 28 миллиард тоннаси ўрмонларнинг ҳиссасига тўғри келади. Энг муҳими ўсимликлар ер юзини ҳаётбахш кислород билан таъминлайди. Олаётган ҳар учинчи нафасимиз ўсимликлар оламининг бизга инъомидир.

Дарахтлар сувларни ҳам бизга тозалаб беради. Уларнинг буғланишини, ерга шимилиб кетишини, қаттиқ шамолларда учиб кетишининг олдини олади. Иқлимни мўътадиллаштиради.

Инсон ҳаёти шунинг учун ҳам табиат билан мутаносиб суратда бўлиши, чамбарчас боғланиши керак. Кесилган ҳар бир туп дарахт ўрнига икки-уч ниҳол экиш зарур. Шунда ер юзида ҳеч қачон яшил дўстларимизга танқислик сезилмайди.

Тараққиёт юксалгани сари маҳсулотларни истеъмол қилиш ҳам кучаяди. Янги-янги бинолар қурилади. Маълумки, бу ҳолатларда кўпгина дарахтларни кесишга тўғри келади. Дарахт кесган одам уни ўрнига экишни ҳам ўйлаб қўйса ёмон бўлмасди. Йўқса неваларимиз, келгуси авлодимиз ҳувиллаган заминда яшашига тўғри келади.

Инсон — оға табиатнинг бир бўлаги. Табиатдан ажралган ҳолатда ҳеч қачон яшаб бўлмайди. Дарахтларни хўжасизларча кесиб ташлаш — бу табиатга, яшил дўстимизга хиёнатдан бошқа нарса эмас... «Ҳисобли дўст айрилмас», дейди халқимиз. Табиатдан олганимиздан кейин унинг ўрнини тўлдиришни ҳам ўйлашимиз керак. Бу инсонийлик бурчимиздир.

Ким ФАТТОҲОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг назоратчиси.

Бўлган воқеа

КАВАКДАГИ ЗАҲИРА

Ёзги таътил вақтида Семашко номидаги саломатликни тиклаш ва физиотерапия институтида даволанишимга тўғри келди. Шифохонанинг ҳамма хоналари икки кишилик эди. Гап-дан-гап чиқиб ҳамхонам Шойимардон Мелибоев қуйидаги воқеани ҳикоя қилиб берди:

— Мен Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳридан қирқ километр узоқликда жойлашган Хитой қишлоғиданман. Бизнинг қишлоқ тоғ этагига жойлашган. Қишлоғимиз аҳолиси бир-бири билан ниҳоятда аҳил, меҳр-мурувватли, меҳнаткаш инсонлар. Табиати жуда гўзал, ўсимликлари турли-туман, ўт-ўланлари шифобахш, ҳавоси мусаффо. Атроф-муҳитни кузатиб, табиатнинг чевар қўллари билан яратилган манзарага қараб баҳри-дилингиз очилади, танангиз яйрайди. Чанг-ғуборсиз, енгил ва соф ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олишнинг ўзи роҳат. Турли-туман қушларнинг чуғурлаши, берилиб сайраши эрта тонгдан кечгача тинмайди.

Бир куни дам олиш мақсадида тоғ ён бағрига кўтарилдим. Йўлим ногаҳон ёнғоқзорга тушди. Айланаси, чамаси бир қулоч, баландлиги ўн беш метрча келадиган кекса ёнғоқ дарахти тагидаги иккита каламушнинг хатти-ҳаракати мени ўзига жалб этди. Ўн метрча узоқликда тўхтаб, уларнинг ҳаракатини кузата бошладим. Бир каламуш чалқанча тушиб ётди, иккинчиси битта ёнғоқни тишлаб келиб, унинг бағрига қўйди. Кейин иккинчи ёнғоқни келтириб ташлади. Шу тариқа унинг бу ҳаракати беш-олти марта такрорланди. Ерда ётган каламуш ҳамма ёнғоқларни оёқ-қўллари билан бағрига маҳкам босганча чалқанча ётишда давом этди. Иккинчи каламуш унинг думини ўртасидан тишлаб ёнғоқ дарахти томон орқаси билан тисланиб торта бошлади. Думининг учидан тишласа ётган каламушнинг жони оғрир ёки узилиб кетиши мумкиндир. Шунинг учун унинг думини учи каламуш оғзидан уч энликча чиқиб турар эди. Бундай тишлаганда тиш думнинг икки жойидан маҳкам сиқиб ушлагани учун унинг оғиздан чиқиб кетиш хавфи йўқ эди. Тортувчи каламуш уни судраб орқаси билан тўрт метрча баландликка кўтарилди ва қари ёнғоқда ҳосил бўлган тешикка кириб кетди. Бироздан кейин ҳар иккиси пилдираб ерга тушиб келди ва юқоридаги ҳаракатларини қайта такрорлади. Қизиғи шундаки, ҳар икки ҳолда ҳам унинг бағридаги ёнғоқлардан лоақал биттаси ерга тушиб кетмади. Яхши ҳордиқ чиқариб, уйга қайтдим.

Эртаси куни жияним билан чой ичиб ўтирган эдик, қишлоқнинг оқсоқоли кириб келди. Оқсоқолга бир пиёла чой узатиб, кечаги воқеани баён қилдим. У мийиғида кулиб деди:

— Бир вақтлар бундай ҳодисанинг мен ҳам гувоҳи бўлганман. Каламушлар шу йўл билан бир йиллик озуқани йиғиб оладилар. Уларнинг бу заҳираси келаси йил ёнғоқ пишиғигача етади. Каламушларнинг ёнғоқдан унинг мағизини ажратиб олишлари ҳам жумбоқ. Ёнғоқнинг орқа томонидан жўҳори дони сиғадиган даражада кичкина тешикча очадилар. Тешикчага тумшуқларининг сиғмаслиги аниқ. Тишларини ботириб мағизни қандай ажратиб олишларига ҳозир ҳам ақлим етмайди.

Оқсоқол кетгач, шўх жиянимнинг қистови билан ёнғоқзорга бордик. Дарахтга чиққан жияним ковак оғзини бироз кенгайтирди ва тартиб билан жойлаштирилган ёнғоқларни олиб тушди. Олинган ёнғоқлар катта бир тоғорани тўлдирди...

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

Гапни гапир уққанга

ШАҲАР КЎРКИГА ДОҒ ТУШМАСИН



Тошкент шаҳри ҳудудида юздан ортиқ каналлар — пойтахтимизнинг олмос камарлари оқиб ўтади. Уларнинг умумий узунлиги эса 191 километрни ташкил қилади.

Шаҳарнинг об-ҳавоси, экологиясининг соғломлиги кўп жиҳатдан мана шу олмос камарларнинг аҳволига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси сув инспекцияси ходимларининг иши ҳам оқар сувларнинг, каналларнинг покизалигини таъминлашга қаратилди.

Корхоналар билан узвий олиб борилган ҳамкорлик ишлари натижасида сўнгги тўрт йил мобайнида 26 та ифлосланган саноат оқаволарини бартараф қилишга эришилди, 1990 йилдан бери умумий ҳажмдаги оқаволарнинг 75 фоизи бартараф этилди.

Лекин муайян ютуқларга қарамай шаҳардаги оқава сувларнинг аҳволи оғирлигича қолмоқда. Айрим каналларнинг узунлик масофасига кўра баъзи жойларда озодалик қоидаларига риоя қилинаётир, кўп жойларда ахлат, чиқиндиларни ташлаш ҳоллари юз бермоқда. Аксарият қирғоқларда механик оқимни тозалаш ва сувни тежамли оқизилиши суст бажарилмоқда. Бу эса зарур тозалов юмушларига тўсқинлик қиляпти. Сув муҳофаза қилинаётган ҳудудларда саноат, автотранспорт корхоналари, гараж, ёқилғи билан таъминлаш шохобчалари, канализацияланмаган уй-жой ва бошқа объектларда чиқинди ташлаш ҳамон давом этмоқда. Оммавий равишда тижорат дуконлари, хусусий корхоналар, ширкатларнинг қурилиши ҳам аҳволни оғирлаштирмоқда.

Афсуски, юқоридаги салбий ҳолатлар билан кураш бугунги кунда фақатгина шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг зиммасига тушган. Санитария-эпидемиология хизмат ходимлари, санитария милицияси, туман ҳокимлиги мутасаддилари ва энг ташвишлиси — Тошкент вилоят сув хўжалиги раҳбариятининг ўз зиммаларидаги вазифаларни бажаришга негадир хоҳиш-истаклари сезилмаяпти.

Шаҳарнинг йирик ва ўрта каналларидан 48 тасидан 37 таси шаҳар сув хўжалиги ҳисобида туради, бошқалари эса Чирчиқ суғориш бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазирлигига қарашлидир.

Ўтказилган текширув ва таҳлилларга қараганда фақатгина Тошкент шаҳар сув хўжалиги бошқармасининг ишини қониқарли деб баҳолаш мумкин. Бошқармада режали равишда сув ҳавзаларини тозалаш, ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Текширув ўтказилганда барча зарур ҳужжатлар саводхонлик билан ёзилганлиги, далил ва рақамлар аниқ-равшан кўрсатилганлиги, ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилганлиги аниқланди. Албатта, бу хўжаликнинг шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан узвий ҳамкорликда иш юритаётгани ўзининг ижобий самарасини бераётганидан дарақдир.

Бошқарманинг яна бир хизмати шундаки, ташкилот шаҳарда биринчилардан бўлиб «Тошкент шаҳридаги каналлар қирғоғида ҳимоя йўлакчаларини ўрнатиш» қарорини ишлаб чиққан ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишиб, тасдиқлатган.

Бундай ишни суғориш бошқармаси ҳам бажарган.

Аммо Салор, Қорасув, Анҳор, Бўрижар, Дамачи, Толариқ, Найман, Кайковус каналлари ҳуқуқий расмийлаштирилган сувни муҳофаза қилувчи ҳудудга эга эмас.

Бу эса туман ҳокимлиги мутасаддилари ва турли хусусий қурувчиларнинг кўнглига келган ишларни бажариши учун қул келмоқда.

Мутасадди ташкилотларнинг беғам раҳбарлари эса барча ўзибўларчиликка панжа ортидан қарашлари кишини жуда ажаблантиради.

Кўп йиллар мобайнида шаҳар каналларининг қувурлари умуман назорат қилинмаяпти. Канал қирғоқлари бўйлаб эса турли гаражлар, экинзорлар, дуконлар, чала қуриб кетилган бинолар ва бошқа объектларнинг мавжудлигига нима учундир ҳеч ким эътибор қаратмаяпти.

Қирғоқнинг яна бошқа жойларида эса чиқинди уюмлари, қамишлар, йиллар давомида йиғилиб қолган ахлатларга айрим раҳбар кишиларнинг кўзлари ўрганиб қолганини айтмайсизми. Маълумки, Салор каналининг вокзал олдидаги майдончаси шаҳримизнинг энг кўзга кўринган жойларидан ҳисобланади. Аммо бу ерда ўсиб ётган қамишлар шунчалик кўпки, кўрган киши ҳудди атайлаб бу ер қамиш етиштириладиган ҳудуд эканми деб ўз-ўзидан ўйланиб қолади. Фарғона йўли кўчаси бўйлаб жойлашган маҳаллалар аҳли эса Толариқдаги қувурли кўприкнинг носозлигидан неча-неча йиллардан буён азият чекиб келмоқдалар. Сабаби кўплаб ҳовлиларни сув босиб кетаётганлигидадир. Мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари эса буни ходимлар етишмаслиги, техникавий воситаларнинг камчиллиги билан шарҳламоқдалар. Аҳвол шу даражага бориб етдики, улар ахлатни йўқотиш учун шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасигача машина сўраб борганлар.

Ҳа, майли, канални назорат қилиш, керакли ишларни амалга ошириш учун техника ва механизм зарур экан, аммо сувни муҳофазалаш зонасини яратиш учун мана икки ярим йилдан бери ҳеч қандай чора-тадбирнинг қўлланилмаётганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Уз хўжалиги фаолиятининг оддий назорати учун қандай қудратли техникаю жиҳозлар керак? Уз мажбурияти, эл, она-табиат олдидаги бурчи, вазифаси учун нималар зарур? Балки бунга ҳам япон технологияси керакдир балки?!

Ўзибўларчилик билан ишга ёндашув натижасида Салор каналига (Жаҳон Обидова кўчасидаги) катта миқдорда чиқиндилар, ахлатлар келиб тушмоқда. Каналнинг «Бошлиқ» мавзеси ҳудудидаги қамишзор эса вокзал ёнидаги қамишзордан сира қолишмайди. «Баҳодир», «Массагет», «Дилмурод», «Азиз» каби бир неча кичик корхоналар каналнинг ифлосланишига ўзларининг «муносиб улушини» қўшмоқда. Миробод ва Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги эса бу канал атрофида дўкон, ошхона, кабобхона қуриш борасида бир-бирлари билан мусобақа ўйнашаётганга ўхшайди.

Бўзсув, Оқтепа каналлари, унинг атрофида ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас. Оқтепа каналини эса Чилонзор туманининг маиший хизмат ходимлари томонидан ифлослантирилишини минг афсуслар билан таъкидламоқ зарур.

Тошкентнинг каналлари, ариқ-зовурлари унинг кўркидир. Шаҳар кўркига доғ туширишга эса ҳеч кимнинг ҳақи йўқ!

Артур МУСТАФИН,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг масъул ходими.

«ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ХАБАРНОМАСИ»ГА ЁЗИЛИНГ

— Агар минтақавий ва долзарб экологик муаммолардан вақтида хабардор бўлишни, экологик қонунчиликни яхши билишни истасангиз;

— агар табиатдаги неъматлардан тежаб-тергаб фойдаланишни, чиқиндиларни қайта ишлаш ва сақлашни, хом ашёни эҳтиёт қилишни, атроф-муҳитни назорат этишни, экологик билим ва тарбия беришни пухта ўрганиб олмоқчи бўлсангиз;

— мабодо корхона раҳбари бўлсангиз корхонангиз табиатга зарарли чиқиндиларни имкон борича кам чиқаришига эришмоқчи бўлсангиз, у ҳолда Сиз, албатта, «Ўзбекистон экологик хабарномаси» журналига 1996 йил учун обуна бўлинг. Журналдан исталган саволингизга жавоб топа оласиз. Журналнинг бир йилда 6 сони чиқади. Йиллик обуна нархи 600 сўм. Обуна 1996 йилнинг январь ойи охиригача давом этади.

Шеърий лаҳзалар

БЕШИНЧИ ДЎСТ

I

Набирам берар савол:
— Дўст қанақа бўлади?
— Дўстинг бўлса вафодор,
Доим бахтинг кулади.
Содиқ бўлса у яна
Қалбингга нур тўлади.
Чин дўст сени деб яшаб,
Сени дея ўлади.
У қилади эътироз:
— Дўст бўлса ўлмасин-да!
Дўсти ўлиб қолибди,
Деб душман кулмасин-да!
— Болам, — дедим, — дўст сўзи
Сенга ҳам ошно экан.
Шундоқ ўйлар дўстликнинг
Уруғин қалбга экқан.
Дўстлик сирин билмоққа
Интилишинг шод қилди.
Ҳикмат тўла бу эртак
Шу замон ёдга келди.
Ривоят, афсоналар
Этагидан ушлайин.
Дўст ҳақида сўз айтиб,
Кел, кўнглингни хушлайин.

II

Қадим-қадим замонда
Коинотга бўлиб бош —
Туғилибди осмонда
Чарақлаб нурли Қуёш!
Унинг ҳароратидан
Гўё дўстлар жонига
Зўр малҳам югурибди.
Кўринмабди кўзларга
Топишолмасдан изин.
Сўнгра чақиришибди:
— Овоз бер, кимсан ўзинг?
— Мен Ҳаво, — кебди овоз,
—
Кўринмайман кўзларга.
Лекин макон қурганман
Қир-тоғ, дала-тузларга.
Сизлардан бунёд бўлдим,
Сафингизда турибман.
Яшай энди ҳамиша
Сизларга дўст бўлиб ман.
Қуёш минг бир жилода
Нурлар ҳадя айлабди.
Замин яшнабди кўм-кўк,
Сувлар қўшиқ куйлабди.
Тўрт дўст бўлиб аҳил, шод,
Гулга кўмиб ҳар ённи,
Яшнатибди беармон
Ушбу ёруғ дунёни.

VI

Тўрт чин дўсту қадрдон
Яшаяпти деб эдик.
Оламнинг устунлари
Аслида тўрт дўст дедик.
Аҳил, жонажон тўрт дўст
Дунёга асос солди.
Алҳол, бир кун оламда
Улуғ Одам яралди.
Шунда тўрт дўст шод бўлиб,
Муборак бу ҳилқатга

Белни боғлаб келдилар.
Унинг сари хизматга.
Бири уни иситди,
Бири ато этди жон.
Бири босди чанқоғин,
Бири берди ширин нон.
Шундай қилиб, тўртта дўст
Хизмат этди инсонга.
Инсон эса кўп ҳикмат,
Инъом этди жаҳонга.
Тўрт дўст билсанг ҳамиша
Дўстлик сўзин оқлайди.
То ҳануз инсон учун
Садоқатни сақлайди.
Ана энди, болажон,
Қулоқ сол бу ҳикматга:
Дунё доим муҳтождир
Дўстлик деган ҳимматга.
Қулоқ тутгин сўзимга,
Дўст топганда ўзингга,
Қалбингда иқбол кулсин,
Дўстларинг шундоқ бўлсин:
Қуёшдек ҳароратли,
Заминдек саховатли,
Ҳаводек тароватли,
Сувдек қанду новвотли!

VII

Бола-да, ҳар нарсага
Қизиқади, ўйлайди,
Хаёллари чарх уриб,
Уз ҳолига қўймайди.
Гапга тутади тағин:
— Буважон, гапингизнинг
Мағзини чақиб олдим.
Чақиб қулоқларимга
Сиғадек тақиб олдим.
Лекин битта саволга
Жавоб тополмай толдим.
Дединғизки, тўрт дўст бор
Яшнайди бу кенг олам.
Мен топдим бешинчисин.
Бешинчи дўст — бу одам.
Тўрт дўстки, ҳанузгача
Одамга содиқ экан.
Бири жон, бири дармон,
Бири-чи, озиқ экан,
Одам-чи? Одамзот ҳам
Уларга дўстми асл?
Дўстларини ўйларми
Кеча-кундуз муттасил?

VIII

Сен саволга устасан,
Саволингга тўзим йўқ.
Икки оғиз сўз айтай,
Бундан бошқа сузим йўқ.
Одамзотнинг дўстлик деб
Кўтарилган танглайи.
Лекин дўстнинг қадрини
Гоҳида кеч англайди.
Табиатда минг бир сир,
Баҳори кўп, қиши кўп,
Бешинчи дўст — одамнинг
Эҳ, ножуя иши кўп.
Табиатга одам дўст,
Буни этмайман инкор.
Одамзот қилмишидан
Куйган бироқ неча бор.
Оламда ҳар нарсанинг
Ҳади бор, ҳисоби бор,
Ўз ўрнида зарурдир
Гул-гиёҳ, жону жондор.
Билиб олдинг ҳаётда
Қандай бўлмоғинг керак.
Гапни чўзмайин ортиқ
Шу ерда тугар эртак.
Данакни чақсанг агар
Мағзида барча ҳузур.
Энди ўзинг бафуржа
Эртак мағзин чақиб кўр.

Темур УБАЙДУЛЛО.

СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

ХАЛҚАРО МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

Дартс армрестлинг, бодибилдинг, атлетизм, шарқ яккакураши каби юртимизга кейинги йилларда кириб келган спорт турларидан ҳисобланади. Унинг тарихи тўғрисида қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, XVII асрда Англия камончилари узоқ қиш кунлари ўз ўқларини кичрайтириб деворга илиб қўйилган тахтага санчиб маҳоратларини оширишга ҳаракат қилганлар. Орадан бирмунча вақт ўтгач у бутун Британияни забт этган ажойиб спорт турига айланди. Унинг қоидалари тузилиб, нишоннинг мақбул шакллари тайёрлангач расмий мусобақалар ўтказила бошланди ва дастлабки чемпионлар пайдо бўлди.

Дартснинг Англиядаги бугунги мавқеи шу даражага етдики, оммавийлиги жиҳатдан спорт турлари орасида биринчи ўринга чиқиб олди. Ҳозир Англияда ўз нишонлари, спорт кийимлари, аъзолик қоидалари, жамоалари ва мусобақаларига эга минглаб дартс клублари мавжуд. Дартснинг энг моҳир усталарига ҳатто қиролликка хос лорд унвони ҳам берилганига тарих гувоҳдир. Ҳатто Англиянинг собиқ Бош вазири М. Тэтчер ҳам дартсга жуда қизиқиб фаол шуғулланганидан ҳам ушбу спорт тури тўғрисида тегишли хулоса чиқарса бўлади. Ҳозир эса худди футбол каби Англияда палак ёзган дартс ўз жозибаси, оддийлиги ва қизиқлиги билан бутун ер шарини забт этди. Ва бугунги кунда дартс юздан ортиқ мамлакатда севимли спорт турлари қаторига киради.

Дартсга бўлган бундай қизиқишнинг сири эса оддий: киши кайфиятини кўтариб, асабларнинг ўта таранглик ҳолатини юмшатадиган, чарчоқни чиқариб кўзни ўткирлаштирадиган, қўлни чаққон қиладиган мазкур спорт тури билан барча ёшдаги кишилар шуғулланиши мумкин. Унинг қоидалари ҳам мураккаб эмас ва дартс билан дам олиш масканлари, хонадонлар, мактаблар, корхона ва ташкилотларда ҳам ишдан бўш вақтларда бемалол шуғулланиш мумкин.

1991 йили «Тошкент — Спорт-Информ» фирмаси илк кўргазмали мусобақалар ташкил қилиб ушбу спорт турини кенг ёйишга ҳаракат қилганидан сўнг дартснинг Ўзбекистонда ҳам ишқибозлари кўпайди. Ҳозир Тошкент, Термиз, Олмалиқ, Қарши, Гулистон ва Сирдарёда дартснинг мухлислари кўпчиликни ташкил этади ҳамда бу спорт бўйича тез-тез мусобақалар ўтказилиб туради.

1992 йилда Ўзбекистон Республикаси дартс федерацияси ташкил этилган бўлса, 1995 йилнинг баҳорида Россия, АҚШ, Украина ва Беларусь республикаларининг Ўзбекистондаги элчихоналари ташаббуси билан Тошкент шаҳар халқаро дартс клуби тузилди. Ушбу ғояни Буюк Британия, Германия, Қирғизистон элчихоналари, «Айсел» (Туркия), «Варенте групп» (АҚШ), «Ян интернешнл» (Дания), «Ренк Ксерокс» (Англия), «Томен корпорейнш» (Япония) тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи Марказий Осиё-Америка жамғармалари ҳам фаол қўллаб-қувватладилар. Ва ҳозир халқаро дартс-клуб ўйинчиларининг рейтинги мавжуд, ушбу клуб томонидан ўтказилган 7 та мусобақанинг ўз чемпионлари бор. Буларнинг бари «Спорт — тинчлик элчиси», деганларидек албатта мустақил Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларининг янада ривожланишида муҳим омил бўлмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси дартс федерацияси, «Правда Востока» газетаси, «Тошкент-Спорт-Информ» фирмаси томонидан «Мирза Аҳмад» ва «Грифон» фирмалари ҳомийлигида шаҳримиздаги Ҳ. Олимжон номли маданият уйида «Тошинтерм» ўзбек-хитой қўшма корхонасининг ташкилотчиси ва биринчи бош директори Мирза Султонов хотирасига бағишланган 4-халқаро дартс турнири ўтказилди. Биз мусобақалар бошланишидан олдин кучли дартс усталаридан бири, халқаро рейтинг бўйича 3-ўринда бораётган охирги, 7-халқаро дартс клуби мусобақаларининг ғолиби — Украинанинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходими Сергей Фефиловнинг ушбу турнир тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Тошкентда халқаро дартс клуби ташкил этилганидан буён унинг аъзосиман,— дейди С. Фефилов.— Ва ушбу клуб томонидан ўтказилган ҳамма мусобақаларда қатнашиб келяпман. Ушбу спорт турининг фойдали томонлари тўғрисида узоқ гапиришим мумкин. Бироқ энг муҳими, замонавий спорт турларидан бири бўлмиш дартс ҳар хил характер ва қизиқишга эга бўлган кишиларни бирлаштиради, аҳил қилади, ҳамкорликка ундайди. Хулласи калом турли миллат кишиларини янада жипслаштиради. Айниқса дартс билан ногиронларнинг ҳам бемалол шуғуллана олишлари нур устига нурдир. Мен бугун ушбу залда мусобақага тайёргарлик кўраётган кўплаб ногиронларни кўриб беҳад қувондим. Зеро ногиронлар ўртасидаги дартс турнирлари уларни маънавий, ҳаётий томондан қўллаб-қувватлайди, кайфиятларини яхшилаб, бир зумга бўлса-да оғир дардларини унутишга имкон туғдиради.

Дарҳақиқат, халқаро мусобақалар бу гал ҳам қизғин беллашувларга бой бўлди. Унинг 4 та босқичда ўтказилгани ва республикамиздаги энг кучли дартсчиларнинг иштирок этиши ҳам турнирнинг ютуғидир. Тошкент, Олмалиқ, Гулистон, Термиз, Қарши, сирдарёлик спортчилардан ташқари мусобақада Олмаота, Толдиқўрғон, Нижний-новгородлик дартсчилар ҳам куч синашишди. Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган яқин ва узоқ хорижлик тадбиркор, бизнесменлар ва дипломатлар турнирини эса ишқибозлар ва мутахассислар катта қизиқиш билан томоша қилишди.

Шиддатли баҳслардан сўнг ниҳоят ғолиблар аниқланди. Дипломат ва бизнесменлар баҳсида шахсий мусобақалар якунига кўра «Айсел» фирмаси вакили Ахмет Кескин зафар қучди. Қирғизистон ва АҚШ элчихоналари вакиллари О. Жумабоев ва Д. Леонардоларга 2 ва 3-ўринлар насиб этди. Жамоа мусобақаларида эса Украина элчихонаси ходимлари барча рақибларини доғда қолдиришди. «Айсел» фирмаси вакиллари иккинчи, АҚШ элчихонаси жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Энг кучли дартсчилар мусобақасида эса олмалиқлик спортчи Владимир Гилевга тенг келадиган топилмади. Ҳамшаҳримиз Андрей Безноздрев ва гулистонлик Т. Ташимовлар кейинги ўринларни эгаллашди. «Бахтли дабл» деб номланган жуфтлик беллашувларида В. Гилев ва Ю. Мамин (Қарши)ларнинг қўллари баланд келди. Ногиронлар эса уч хил тоифада ўзаро куч синашдилар. Таяниб юрадиган ногиронлар ўртасида Р. Алиев, аравачада юрадиганлар баҳсида И. Лосский, болалар церебрал фалажи хасталари ўртасида С. Циулялар ғолиб чиқишди.

Журналистлар ўртасида ўтказилган мусобақалар ҳам жуда қизиқарли ўтди. Мусобақа бошиданоқ С. Данилов ва В. Сучковлар катта маҳорат билан ўйнаб олдинга чиқиб олишди. Бироқ финалга В. Сучков («Азия — Юнпресс») ҳамда А. Кондрашкин («Правда Востока»)лар чиқди. Рақиблар кучли, бир-бирига жуда мос бўлса-да охир-оқибатда В. Сучковнинг қўли баланд келиб журналистлар ўртасида энг кучли дартс устаси унвонини қўлга киритди. С. Данилов («Народное слово») эса учинчи бўлди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

СУРАТЛАРДА: дартс усталари беллашув пайтида.
Даврон Аҳмедов олган суратлар.

БЎЛАЖАК ЗОБИТЛАР БЕЛЛАШУВИ

«Динамо» спорт мажмуида қўл жанги бўйича ўсмирлар ўртасида «Динамо» биринчилиги учун мусобақалар ниҳоясига етди. Унда республика Ички ишлар вазирлигига қарашли махсус жисмоний тайёрлаш маркази тасарруфидаги спорт гуруҳларидан 50 нафарга яқин спортчи қатнашди.

Икки кун давомида бўлган қизғин беллашувларда 15-17 ёшли ўсмирлар келажакда осойишталик посбонлари бўлишдек шарафли касбга нечоғлик тайёрланаётганликларини намойиш этдилар. Мусобақа натижасига кўра Одил Толипов (45 килограмм), Сергей Ивахтин (50 килограмм), Андрей Хегай (55 килограмм), Акбар Акромов (50 килограмм) ва Роман Одилбоев (65 килограмм)лар ўз вазнлари тоифасида биринчи ўринни эгалладилар. Уларга ҳомийлар — хўжалик ҳисобидаги «Тошшаҳарюктранс» корхонаси, «Полим», «Сюзан» ва «Сад» фирмалари томонидан тайёрланган совғалар топширилди.

— Қўл жанги республикамизда тобора оммалашиб бораётган спорт турларидан ҳисобланади, — дейди махсус жисмоний тайёрлаш марказининг бошлиғи, милиция майори Рустам Илҳомов. — Сабаби — унда барча жанговар кураш турларининг усуллари жамланган бўлиб, айниқса ички ишлар идоралари ходимларини жисмоний тайёрлашда жуда қўл келади. Шу мақсадда ўн беш йил муқаддам очилган марказимизда тажрибали мураббий Герман Тен раҳбарлигида машғулотлар мунтазам олиб борилмоқда. Ўтган давр ичида бу ер собиқ иттифоқ миқёсидаги мусобақалар ўтказиладиган жойга айланди, кўплаб спорт усталари, совриндорлар ва тажрибали мураббийлар тайёрланди. Бугунги кунда ҳам махсус жисмоний тайёргарлик марказида шахсий таркибни жисмоний тайёрлаш, ўринбосарларни тарбиялаш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Янги-янги спорт залларининг очилаётганлиги, қатнашувчилар сонининг тобора кўпаяётганлиги ва тез-тез мусобақалар ўтказилиши — бунинг исботидир. Хусусан, Рустам Ахмедшин, Сергей Вошурин, Асад Ўринов каби тажрибали мураббийлар бошчилигидаги ўсмирлар гуруҳларида машғулотлар мунтазам олиб борилади. Унда қатнашишни истаган ўсмирлар учун эшикларимиз доимо очиқ.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

БОЛАЛАРГА МАҚСАДЛИ ОМОНАТ ҚЎЙИШ ОТА-ОНАЛАРГА БОЛАЛАРНИНГ НИКОҲИГА ЕТАРЛИ МАБЛАҒНИ ЖАМҒАРИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ, МУСТАҚИЛ ҲАЁТ БОШЛАШГА КЎМАКЛАШАДИ.

Бу омонат 16 ёшгача бўлган болаларга, қариндошчилик муносабатидан қатъи назар қабул қилинади, ўн йиллик муддати билан.

Омонат сақланаётганига — 10 йил бўлганда ва бола 16 ёшга тўлганда, фойда йилига 120% ҳисобидан тўланади.

Қўшимча тўловлар хоҳлаган миқдорда нақд пул билан ҳам, нақд пулсиз ҳам қабул қилинади.

МАҚСАДЛИ ОМОНАТ-БОЛАНИНГ МУСТАҚИЛ ҲАЁТДАГИ БИРИНЧИ ҚАДАМИ!

Маълумотлар учун телефон: 33-51-95, 33-78-02.

Тошкент шаҳар Халқ Банки бошқармаси.

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони)

БОЛАЛАР СИЗЛАР УЧУН! МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА - 1995 ЙИЛ 23 ДЕКАБРЬ - 1996 ЙИЛ 14 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ

«ЦИРКДА АРЧА»

ҚАТНАШАДИЛАР:

Қорбобо, Қорқиз, эртак қаҳрамонлари, цирк санъатининг барча жанрлари вакиллари ва ўргатилган ҳайвонлар.

ТОМОШАЛАР:

23-28 декабрь кунлари соат 12.00, 14.00, 16.00 да;
30 декабрь соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 да;
31 декабрь соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00 да;
1-7 январь кунлари соат 16.00, 18.00 да;
8-14 январь кунлари соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 18.00 гача ишлайди.

Маълумот учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-89, 44-29-04.

Олдиндан чипта сотиш ташкил этилган. Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Турфа олам

СУНЪИЙ ТИЗЗА КЎЗИ

Мисрлик олимлар Яқин Шарқда биринчи марта ревматоид дардига мубтало бўлган беморларга сунъий бўғин — тизза кўзи ўтказишга муваффақ бўлдилар.

Мисрнинг Ал-Қаср Ал-Айний касалхонаси травматолог-жарроҳлари 40 ёшга чиққан ва ревматоид дарди тизза кўзларини кемириб адо қилган беморга сунъий тизза кўзи ўтказиш жараёнини муваффақиятли бажардилар. Натижада ревматоид хасталиги юргазмай, бир ерга михлаб қўйган ва ёшлари ҳали 60 га бормаган беморларда тизза кўзларини сунъийсига алмаштириш умиди уйғонди. Чунки бу ёшдан кейин бундай имконият бой берилади, унда кишининг сунъий тизза кўзларини ревматоид дарди эмас, балки бошқа омиллар кемириши ёки емириши эҳтимоллари кўпаяди. Устига-устак бу хасталик туфайли оёқ мушаклари ўта заифлашиб қолган бўлади.

Сунъий бўғинлар одатда бир неча бўлак ва қисмлардан иборат қилиб тайёрланди, айни чоғда улар турли имкониятларга эга бўлади. Жарроҳлик операцияси чоғида, беморнинг тиззаси очиқ турганида, унга энг мос бўлак ёки шаклларни танлаб қўйиш мумкин бўлади.

Сўраган эдингиз...

ГОВМИЧЧА

Менинг 12 ёшли набирамга тез-тез говмичча чиқиб туради. Ундан қутилишнинг иложи борми?
Моҳира АЗИМОВА, нафақахўр.

Говмичча қовоқ чеккасида чегараланган ҳолда пайдо бўладиган ўткир йирингли касалликдир. Говмичча шишиб, оғрийди, ичига йиринг йиғилади. Говмиччани эзиб ташлаш асло мумкин эмас, акс ҳолда қон зарарланиши, мия пардаси яллиғланиши мумкин. Говмичча чиқаётганини сезишингиз билан тоза докани иссиқ сувга ботириб, оғриётган жойга босинг. Ёки иссиқ сув ўрнига мойчечакнинг иссиқ суюқ дамламаси ёки борат кислота эритмасидан фойдаланса ҳам бўлади. Бунинг натижасида говмичча сўрилиб кетади ёхуд пишиб, йиринги чиқади.

Иккинчи кўзни ҳам борат кислота эритмаси билан чайиш керак, чунки говмичча бу кўзга ҳам ўтиши мумкин. Говмичча пайдо бўлганда борат кислотанинг совуқ сувдаги эритмасидан компресс қилиш, кейин эса зиғир уруғидан иссиқ компресс қилиш лозим. Алоэ баргини чайиб эзилади, сувини чиқариб, 1:10 нисбатда қайнаган сувга аралаштирилади.

Катталиги ўртача алоэ барги (5 граммини) эзиб қайнатиб совутилган бир стакан сувга аралаштирилади ва 6-8 соат тиндириб қўйилади, сўнгра докада сузилади. Тоза докани шу дамланган эритмага шимдириб сал сиқиб олинади ва говмиччанинг устига қўйиб турилади. Тирноқгулнинг 10-15 та гули қопқоқлик идишга солиниб, устига бир стакан қайноқ сув қуйилади-да, устини ўраб 30-40 дақиқа тиндириб қўйилади. Дамлама тайёр бўлгач юқоридаги усул билан говмичча устига қўйиб турилади.

Маъфират ОРИФЖОНОВА.

«02» хабар беради

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

◆ 27 ноябрь куни соат 22 дан 30 дақиқа ўтганида Мирзо Улуғбек тумани, Аҳмад Югнакий мавзесида 4-такси саройи ҳайдовчиси А. Виталий маст ҳолда «Муҳандис» кичик корхонаси ходими А. Сергейга ўткир тиғли кескир қурол билан тан жароҳати етказади. Жабрланувчини воқеадан хабар топган ички ишлар ходимлари ТТЗ шифохонасига тиббий ёрдам кўрсатиш учун ётқизишди.

◆ Мана бу муштлашув ҳам шу тумандаги ТТЗ-4 мавзесида бўлган. 41 ёшли Р. Дима маст ҳолда уйга қайтиб келиб онаси Р. Валентинани дўппослай кетади. Бечора она ўғлининг бундай қилиқларини биринчи бор ўз танасида синаб кўрмаётган бўлсада тишини-тишига қўйиб барча маломатларга оила шаънини сақлаб қолиш учун чидашга қарор қилади. Бироқ тўсатдан хонадонга кирган қўшниси Ш. Надежда оқ сут берган онасини ураётган ўғилнинг номардлиги ҳақида милицияга хабар беради ва ёрдамга қўшниларни ҳам чақиради. Ички ишлар ходимлари жабрланувчи Р. Валентинани касалхонага, каззоб ўғлини эса ички ишлар бошқармасига олиб кетишди.

◆ Буюк Ипак Йўли кўчасида жойлашган «Малика» тижорат дўконидан эндигина савдо қилиб чиққан «УАЗ-452» русумли шахсий машина эгаси олдига номаълум беш кимса келиб унинг 3 минг сўм пулини тортиб олишади. Бироқ талончилар узоққа боришолмади. Куппа-кундузи талончилик қилиб ўз жирканч мақсадларини амалга оширмоқчи бўлган бу йигитлар шаҳримизнинг турли туманларида истиқомат қилишади. Ҳеч қаерда ишламайдилар.

◆ Ароқнинг касофати ҳақида кўп гапирилган. Шу заҳарли оғу дастидан гулдай умрини хазон қилган не-не забардаст йигитларнинг қилмиш-кечирмишлари тўғрисида анча ёзилган. «Кайф» қилишда бугун аёлларимиз ҳам эркаклардан сира қолишмайдиганга ўхшайди. Фақат шуни ачиниш ва надомат билан айтиш керакки, баъзи бир аёллар спиртли ичимликлар истеъмол қилишга ружу қўйишган. Оқибатда дунёдаги энг нозик ва нафис аёлларимиз тобора ўз латофату гўзалликларидан айрилиб бормоқдалар. 27 ноябрь куни соат 16 дан 15 дақиқа ўтганида 15-шаҳар касалхонасида ҳамшира бўлиб ишловчи О. Анна маст ҳолда 4-йўналиш бўйича қатнайдиган троллейбус ҳайдовчисини тош билан мўлжалга олади. Фақат бахтли тасодиф туфайлигина тош троллейбус олд ойнасини синдириб ўтиб ҳайдовчига шикаст етказмади. Ўйламасдан қилинган бир ножўя иш натижада давлатга 4 минг сўмлик зарар етказди.

◆ Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси ходимлари «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 31-цехидан ўғирлаб чиқиб сотиш учун мўлжалланган «МТЗ-80 ХА» русумли тракторнинг умумий баҳоси 254 минг сўмлик бўлган 6 та насосини ушлаб қолишди. Ўғирликка шу цехда қоровул бўлиб ишлайдиган Ғ. Ўткир қўл урган экан.

◆ Андижон вилояти, Балиқчи туманидан келиб Тошкенти азимда ўғирлик қилиб юрган Р. Азиза ҳам бугун барча қилмишлари учун жавоб бермоқда. Гап шундаки, бу аёл узоқ Балиқчидан келиб пойтахт хонадонларидан қимматбаҳо буюм ва кийимларни ўғирлаш билан шуғулланиб келган. Охирги марта у Чимбой кўчасидаги уйлардан бирига ўғирликка тушиб 10 минг сўмлик буюмларни олиб чиқиб кетишга уринганида Яккасарой тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди.

◆ Оҳангарон туманидан келган С. Василий Ҳамза тумани «Ғалабанинг 40 йиллиги» мавзесидаги уйлардан бирида яшовчи С. Пакнинг уйига ўғирликка тушиб хонадондан «Филипс» видеомагнитофони ва бир нечта видео кассеталарни ўғирлаб кетаётганда шу туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди.

◆ Собир Раҳимов туманидаги Сағбон кўчаси уйларидан бирида яшовчи уй бекаси Л. Ҳалиманинг уйига девор ошиб тушиб хонадондан Хитойда ишлаб чиқарилган «Интернационал» русумли магнитофондан 10 таси ва 3 минг сўмлик спорт либосини ўғирлашга уринган ҳеч қаерда ишламайдиган Ф. Абдувосиқни ички ишлар ходимлари ашёвий далиллар билан қўлга туширишди.

◆ «Фарҳод» бозорида Самарқанд вилояти, Булунғур туманидан келган деҳқон И. Саъдулланинг 90 килограмм картошкасини ўғирлаб сотишга уринган Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туманидан келган Т. Йўлдош ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

◆ В. С. Қўйлиқ бозорида В. Чни кўрқитиб 3500 сўм пулини олмоқчи бўлиб турганида ички ишлар ходимлари томонидан ушланди.

◆ Юнусобод туманидаги хонадонлардан бирида яшовчи И. Мариянинг уйига ёмон ниятда кирган икки номаълум шахс аёлни ўлдиришга ҳаракат қилишади. Онасини ҳимоя қилишга уринган И. Игорнинг кўкрагига пичоқ билан уриниб кўздан ғойиб бўлишади. Аммо босқинчилар узоққа кета олмадилар.

◆ «Саломатлик» клубида электрчи бўлиб ишлайдиган Н. Раиль тунгги пайт шу спорт масканининг буфетига томдан тушиб 13 минг сўмдан ортиқ озиқ-овқат молларини ўғирлаб кетишга ҳаракат қилганида Юнусобод тумани ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинди.

◆ Екатеринбург шаҳридан келиб Тошкентда босқинчилик билан шуғулланган А. Егор ва унинг чилонзорлик ҳамтовоғи ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Бу икки жиноятчи шаҳримизнинг баобрў фирмаларидан бирида ишловчи М. Борисдан 50 минг АҚШ долларини талаб қилиб туришганида ушланди.

◆ Яккасарой туманидаги Першин кўчасини кесиб ўтаётган иккинчи гуруҳ ногирони М. Омонни «МАЗ» русумли машина уриб юборади. Ҳайдовчи жабрланувчига ёрдам кўрсатиш ўрнига қочиб қолади. Текширишлар натижасида ҳайдовчи Москва шаҳридаги «Азот — Корифей» ҳиссадорлик бирлашмасида ишлайдиган Т. Бек бўлиб чиқди.

◆ «Улуғбек» қаҳвахонасида маст ҳолда бўлган «Динор» хусусий дўкон мудири шу қаҳвахонанинг ходими Г. Ширинга пичоқ тортиб юборади. Оқибатда жабрланувчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун шифохонага ётқизилди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ МАТБУОТ ГУРУҲИ.

Илм масканларида

ҚУВНОҚЛАР ТАНЛОВИ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти толиблари ўртасида турли қизиқарли танловлар, маданий-оммавий тадбирларни тез-тез уюштириш яхши анъаналардан бири ҳисобланади. Институт Ёшлар Иттифоқи ташкилоти бош-қошлигида ўтадиган бундай тадбирлар талабаларнинг дунёқараши, билим доирасини кенгайтириш билан бирга, уларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишларида катта аҳамиятга эга. Яқинда олий билим даргоҳида ўтказилган «Мусиқани топинг!» танлови ҳам талабаларда катта таассурот қолдирди. Тадбирда турли курс талабалари қатнашишди. Муҳтарам домлалар эса азиз меҳмонлар сифатида таклиф этилдилар.

Мусиқий танловда талабаларнинг нафақат мусиқа эшитиш қобилиятлари, балки ҳозиржавоблик ва раққослик маҳоратлари ҳам синаб кўрилди. Танловда «кўзда тутилмаган», тўсатдан берилувчи саволлар, шартларнинг кўплиги ҳам унинг қизиқарлилигини оширди. Масалан, мусиқани тинглаш учун «жанговар» ҳолатда турган талабага тўсатдан бирорта латифа айтиб бериш сўралган пайтдаги ҳолати, ҳатто биттасининг шошганидан: «Мен «жиддий» йигитман, ҳеч қандай латифани билмайман», деган жавоби ҳар қандай латифадан ҳам кўпроқ кулгуга сабаб бўлди.

Қизиқарли танловнинг энг қувноқ, зукко ғолиблари эса институт Ёшлар Иттифоқи ташкилотининг совғалари билан тақдирландилар.

Баҳодир ҲАСАНОВ.

«ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНИКА ЛИЦЕЙИ

Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи қизларни ТЎҚУВЧИ, ИП ЙИГИРУВЧИ, КАЛАВАЛОВЧИ, ПИЛИКЛОВЧИ, ИП ЎРОВЧИ, ИП ПИШИТУВЧИ КАСБЛАРИНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ўқиш муддати 4 ойдан 8 ойгача.

Ўқувчиларга 1-2 ой учун 1100 сўмгача, 3-4 ойларда 700 сўмгача ва 100 фоиз иш ҳақи, 5-8 ойларда 200 сўм ва 100 фоиз ойлик маоши тўланади. Бу 2000—2500 сўм бўлиши мумкин.

Лицей ўқувчиларидан солиқ олинмайди, лицейни тугатгандан сўнг 3 ой давомида ишлаган маошга 20 фоиз рағбатлантириш пули тўланади. Бу 2000—2500 сўм бўлиши мумкин.

Асосий касбни эгаллаб ишлаётган ишчиларнинг ойлик маоши 3200 сўмдан 4800 сўмгача ва ундан юқори бўлиши мумкин. Асосий касбда ишлаётган ишчилардан 25 фоиз солиқ олинади.

ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИЛАРИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН ҲАММА ИМТИЁЗЛАРДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНАДИЛАР.

Ҳар ойда ўқувчилар маошига бир кунига 10 сўм овқат пули қўшиб тўланади.

Лицейда ўқиш гуруҳларнинг тўлиши билан бошланади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: раҳбар номига ариза, паспорт, 6 дона (3х4) расм, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, талабалар тиббий кўрикдан ҳиссадорлик жамиятининг тиббий бўлимидан лицей йўлланмаси билан ўтказилади.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 34-уй. (80, 135, 2-автобусларнинг «Билим юрти» бекати).

Телефонлар: 55-44-85, 55-44-96.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ МИЖОЗЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси ўз мижозларини электр энергияси ҳақини ўз вақтида (ҳар ойнинг 10 кунигача) тўлашлари лозимлигини ЭСЛАТАДИ ва ДЕКАБРЬ ойида

1995 йил учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шартлигини таъкидлайди.

Сарфланган электр энергияси ҳақини ўз муддатида тўламаган мижозларга огоҳлантиришсиз электр энергияси

ТЎХТАТИЛАДИ.

Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси.

ДИҚҚАТ!

Абитуриентларни олий мактабга тайёрлаш иши билан шуғулланадиган фирмага — ХОНИМ

КЕРАК.

Мурожаат учун телефон: 54-74-79 (соат 18.00 дан кейин).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент ҳисоб-кредит коллежи жамоаси тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари С. Нарзуллаевга отаси **Нурилла Умарович ИБОДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

Тошкент оқшоми

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони ~ 10.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича ~ 33-81-42

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтаси" шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қоғоз бичими - А-2. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи - 64690.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Буюртма Г—0551 • Босмага бериш вақти 11.30. 1 2 3 4 5 6.